

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИК
ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

АГРОНОМИЯ ФАКУЛТЕТИ

ЎСИМЛИКШУНОСЛИК КАФЕДРАСИ

**5610100 – Фермер хўжалигини бошқариш ва юритиш таълим йўналиши
битирувчи курс талабаси**

Курдашов Азаматнинг

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**МАВЗУ: «Экиш муддати ва схемасининг картошка навларининг
хосилдорлигига таъсири ва иктисодий самарадорлиги»**

Илмий раҳбар, қ.-х.ф.н., доцент

Д.С.Нормуродов

Иш кўриб чиқилди
ҳимояга қўйилди
(- йиғилиш)
кафедра мудир, доцент
_____ Д.С.Нормуродов
«_____» _____ 2011 йил

Иқтисодиёт ва бошқарув ва
факультети декани, доцент
_____ А.У.Астонов
«_____» _____ 2011 йил

САМАРҚАНД – 2011

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ
“ЎСИМЛИКШУНОСЛИК” КАФЕДРАСИ № 10 – СОНЛИ
ЙИГИЛИШИНИНГ БАЁННОМАСИДАН КЎЧИРМА

“03” май 2011 йил

Самарқанд шаҳри

ҚАТНАШДИЛАР:

Кафедра мудир, доцент Д.Нормуродов,
профессор Н.Халилов, доцентлар,
А.Ботиров, А.Ҳамзаев, ассистентлар
Б.Мавлонов, Н.Равшанова, Ғ.Обруев

КУН ТАРТИБИ

Агрономия 5620200- Агрономия (деҳқончилик маҳсулотлари бўйича) таълим йўналиши битирувчиси 4 - курс талабаси Курдашов Азамат “Экиш муддати ва схемасининг картошка навларининг ҳосилдорлигига таъсири ва иктисодий самарадорлиги” мавзусидаги битирув малакавий ишининг муҳокамаси.

Тингланди: 1. Кун тартибидаги масала юзасидан кафедра мудир, доцент Д.С.Нормуродов сўзга чиқиб, ЎЗР Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг 09.06.2010 йил 225 – сонли буйруғи билан тасдиқланган “Олий ўқув юртларида бакалаврнинг битирув малакавий иши” тўғрисидаги Низомга асосан ҳар бир битирувчининг битирув малакавий иши кафедрада муҳокама қилингандан кейин ДАК ҳимоясига тавсия этилиши кераклиги айтилди. Шундан сўнг, 4 – босқич талабаси Курдашов Азаматга битирув малакавий ишини мазмунини таништириш учун сўз берилди.

Курдашов Азамат ўзининг битирув малакавий ишининг мавзусини долзарблиги, аҳамияти, тадқиқот ўтказиш услублари ва натижалари билан таништириб, қилинган асосий хулоса ва тавсияларни ўқиб берди.

Шундан сўнг, кафедра профессор – ўқитувчилари – Н. Халилов А.Ботиров, Б.Мавлонов, Ғ. Обруевлар Курдашов Азаматга мавзу юзасидан 4-5 та саволлар берилди ва битирувчи бу саволларга тегишлича жавоб қайтарди.

Муҳокамада иштирок этган доцентлар А.Ботиров, Б.Мавлоновлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришганларидан сўнг қуйидагича

Қарор қилинди:

1. Агрономия факултети битирувчиси Курдашов Азаматнинг малакавий иши мавзусини долзарблиги, бажарилган ишининг якунланганлигини, хулоса ва таклифлар ишининг мазмунидан келиб чиққанлигини ва у барча кўрсаткичлар бўйича ДАК талабига жавоб беришини инобатга олиб, ҳимоя қилишга тавсия этилсин.

Йиғилиш раиси, доцент

Д.С.Нормуродов

Котиба

Г.Улуғмуродова

Мундарижа

Кириш	
1.Адабиётлар шарҳи.....	
1.1. Экиш муддати ва схемасининг картошканинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва уруғлик сифатларига таъсири.....	
1.2.Картошканинг биологик хусусияти.....	
1.3. Эртаги картошка ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлигига ва уруғлик сифатларига экиш муддати ва схемасининг таъсири бўйича олиб борилган илмий тадқиқот ишлари натижалари ва уларнинг таҳлили.....	
2.Ўзбекистонда районлаштирилган ва кенг тарқалган картошка навлари.....	
3.Эртаги картошка етиштириш технологияси.....	
4. Эртаги картошка етиштириш технологик харитаси.....	
5.Картошқачиликнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш имкониятлари...	
5.1. Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари.....	
5.2. Иқтисодий самарадорликни ошириш омиллари.....	
5.3. Меҳнат унумдорлигини ошириш имкониятлари.....	
5.4. Маҳсулот таннархини пасайтириш имкониятлари.....	
5.5. Рентабелликни ошириш омиллари ва имкониятлардан оқилона фойдаланиш.....	
6. И.А.Каримовнинг мамлакатни модернизация қилиш, кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг асосий йўналишлари ва устувор вазифалари	
7.Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.....	
8.Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги	
Хулоса ва таклифлар.....	
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	
Интернет маълумотлари	

КИРИШ

Картошка – озиқ овқат, ем-хашак ва техник аҳамиятга эга универсал экиндир. У дунё деҳқончилигида майдони бўйича буғдой, шоли, маккажўхоридан кейинги ўринда, аҳамияти жиҳатдан эса иккинчи ўринда туради. Шунинг учун ҳақли равишда иккинчи нон деб юритилади. Туганак биокимёвий таркиби 75 % сув ва 25 % қуруқ моддадан иборат. Қуруқ модданинг 70-80 % и крахмал бўлиб, туганакда унинг миқдори 13-20 %, оксил-2-3 %, клетчатка-1 %, мой-0,2-0,3 %, шакар-1 %, кул 0,8-1,0 % ни ташкил этади.

Бундан ташқари у витаминлар (С, В₁-В₃, РР, К ва каротиноидлар) ҳамда минерал тузлар, элементлар манбаидир. Айниқса, ёш пишмаган туганаклар С витамини ёки аскорбин кислотасини 40 мг % гача сақлайди. Туганаклар пишганда ва сақлаш мобайнида С витаминнинг миқдори камайиб боради.

Ёш ўсаётган одам организми суяк ва мускулларининг мустаҳкам ва бақувват бўлишида туганак таркибидаги минерал элементлар (кальций, темир, йод, олтингугурт, фосфор, калий кабилар) муҳим ўрин тутди. Картошка оксили таркибида алмашинмайдиган аминокислоталар (лизин, лейцин, валин, тирозин, изолейцин, метионин, триптофан кабиларни) кўп сақлайди ва ўзининг биологик аҳамияти бўйича бошқа экинлар оксидан юқори туради.

Агар, тухум оксилини одам организми 100 % ўзлаштирса, буғдой дони оксилини 64 %, картошка туганаги оксилини эса 85 % ўзлаштиради.

Картошка туганаги таркибида Д.Менделеев даврий жадвалидаги 26 та элемент борлиги аниқланган. Шунинг учун ўсимлик мойига хрустал қилиб қовурилган картошка медик олимларнинг таъкидлашича, одам организмнинг жазирама иссиққа чидамлигини оширади экан. Картошкадан 500 дан зиёд турли мазали таомлар тайёрланади. Ҳозирги кунда у халқимизнинг йил давомида севиб истеъмол қиладиган озиқ-овқатидир.

Ўсимлик палаги, меваси, яшил рангга кирган туганакларда заҳарли глюкоалкалоид-соланин ҳосил қилади. Унинг миқдори 0,02 миллиграмм фоиз ёки 100 грамм туганакда 20 миллиграммдан ошса, одам ва ҳайвонлар учун заҳарлидир. Картошка туганаги қайнатилганда соланин миқдори анча камаяди. Уруғликка мўлжалланган туганакларда соланиннинг ҳосил бўлиши фойдали. Чунки уларни экишгача касаллик-зараркунандалар зарарлантира олмайди.

Картошка чорва моллари учун яхши ширали озиқа ҳисобланади. Унинг 100 кг туганагида 29,5, палагида эса 8,5 озиқ бирлиги мавжуд. Бир гектардан олинган 150 ц туганак ва 80 ц палак ҳосили 5500 озиқ бирлигига тенгдир. Чорва молларига картошка туганаклари хомлигича, силосланган ёки буғланган, палаги эса силосланган ҳолда берилади.

Бундан ташқари қайта ишлашдан чиққан қўшимча маҳсулотлари (барда, турпи) ҳам молларни озиқлантиришда фойдаланилади. Чунки, 100 кг ҳўл бардада 4, қуритилганида 52, ҳўл турпида 13,2 қуритилганида эса 95,5 озиқ бирлиги мавжуд.

Картошка туганаги-қайта ишлайдиган спирт, крахмал, декстрин, глюкоза, каучук ва бошқа саноат тармоқлари учун хом ашё ҳисобланади. Таркибида 17,6 % крахмали бўлган бир тонна картошка туганакдан 112 литр спирт ёки 170 кг крахмал ва бошқа қўплаб маҳсулотлар олиш мумкин. Картошкадан олинадиган спирт тиббиётда, крахмал эса қоғоз, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноатларида алмашинмайдиган, тенги йўқ маҳсулотдир.

Картошка экиннинг агротехник ва агроиқтисодий аҳамияти ҳам катта. Чунки, чопиқ талаб экин бўлгани учун у етиштирилган дала тупроғи юмшоқ ва бегона ўтлардан тозаланиб, қўплаб бошоқли ва дуккакли дон экинлари учун яхши ўтмишдош ҳисобланади. Ўзбекистонда картошка асосан озиқ-овқат мақсадида ишлатилади. Фақат, нотовар майда, сифатсиз туганаклар ҳосили молларга берилади.

Картошка экинининг агротехник ва агроиктисодий аҳамияти ҳам катта. Чунки, чопиқ талаб экин бўлгани учун у етиштирилган дала тупроғи юмшоқ ва бегона ўтлардан тозаланиб, кўплаб бошоқли ва дуккакли дон экинлари учун яхши ўтмишдош ҳисобланади. Ўзбекистонда картошка асосан озиқ-овқат мақсадида ишлатилади. Фақат, нотовар майда, сифатсиз туганаклар ҳосили молларга берилади.

Мазкур битирув малакавий ишда эртаги картошка усиши, ривожланиши, ҳосилдорлигига ва уруглик сифатларига экиш муддати ва схемасининг таъсири ўрганишни мақсад қилиб олинди.

БМИнинг вазифалари - Эртаги картошканинг мофологик, биологик хусусиятлари, навлар, усиши, ривожланиши, ҳосилдорлигига ва уруглик сифатларига экиш муддати ва схемасининг таъсири ва ҳосилдорликни ошириш бўйича таҳлил қилиш ҳамда хулосалар қилиб, ишлаб чиқаришга тавсиялар бериш.

Мазкур битирув иши реферат талаблари асосида бажарилди. Уни бажаришда янги адабиётлар интернет маълумотлапридан фойдаланиди. БМИни бажаришда Ахборот ресурс макази ва яқиндан ёрдамлашга Ўсимликшунослик кафедрасининг профессор-ўқитувчиларига ўзимнинг самимий миннатдорчилигимни билдираман.

1. Адабиётлар шархи

1.1. Картошканинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва уруғлик сифатларига экиш муддати ва схемасининг таъсири

Ўзбекистонда картошка икки муддатда: баҳорда ва ёзда экилади. Картошканинг экиш муддати экиннинг биологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тупроқнинг 10 см қатламидаги ҳарорат 7-8 ° даражага етган даврга туғри келиши керак. Ўзбекистоннинг Зарафшон воҳаси шароитида бу давр март ойининг биринчи декадасига туғри келади. (Остонакулов Т.Э., 1997).

Бу муддатдан илгари экилса, тупроқда ҳарорат пастлиги туфайли ўсимликларнинг униб чиқиши кечикади, натижада ёғингарчиликлардан тўпланган намлик таъсирида уруғлик туганаклардаги ўсимталарнинг чириши ва нобуд бўлиши кузатилса, кечроқ экилиши натижасида ёзги ҳавонинг иссиқ даврига ўсимликларнинг ўсув даврининг туғри келиши биологик муътадил иқлим экини бўлган картошканинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига салбий таъсир этади. Ёзда эса оптимал муддатдан кечроқ экилса кузги совуқларгача ўсимликлар ўсув даври тугамаслиги ва ҳосилнинг тўла пишиб етилмаслигига олиб келади (Остонакулов Т.Э., 1997). Бу эса баъзи адабиётларда картошкани экиш муддати туганаклар ҳосил бўлиш даврида оптимал шароитга туғри келиши ҳисобга олиниши (Писарев Б.А., 1986) лозимлиги туғрисидаги маълумотларга мос келишини тасдиқлайди. Чунки, уруғлик туганакларнинг оптимал муддатларда экилиши картошкадан юқори ҳосил олишни таъминлайди.

Шунинг учун ҳам муайян жойнинг тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда экишнинг оптимал муддатларининг ишлаб чиқирилиши картошкачиликнинг долзарб масалаларидан бўлиб ҳисобланади.

Эртаги картошка ҳосилдорлиги кўп жиҳатдан туп қалинлигига боғлиқ. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, оптимал экиш схемасига нисбатан жуда қалинлашиб кетса ҳам, меъёридан паст сийраклашиб даражаси ҳам

ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатиб ҳосилдорликнинг пасайишига сабаб бўлади.

Картошка туганакларини экиш схемалари тўғрисидаги маълумотлар XIX асрнинг бошларидаёқ келтирилган. Баҳорги ва ёзги муддатларда картошка экишнинг турли муддатлари ва схемаларини ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири Ўзбекистонда Д.Т.Абдукаримов (1970), С.Х.Хушвақтов (1973), С.Х.Нарзиева (1983), М.Қ.Луков (1983), Т.К.Қурбонов (1985), И.Эсанов (1987), А.Хамдамов (1987), Ж.Қодиров (1994) ва Т.Э.Остонақуловлар (1991, 1997) томонидан ўрганилган.

Қишлоқ хўжалик экинларини экиш схемалари ўсимликларнинг биологик хусусиятларини эътиборга олган ҳолда аниқланади. Яъни бир турга мансуб ҳар хил навларнинг илдиз системасининг горизонтал ва вертикал йўналишидаги ривожланиши ҳам бир биридан фарқ қилади. (Синягин И., 1970).

Адабиётлар маълумотлари шуни кўрсатадики, картошкани экиш схемаси, нав хусусияти, тупроқ-иқлим шароити, ҳосилнинг уруғлик ёки товар мақсадида фойдаланишига ва бошқа омилларга қараб белгиланиши лозим. Масалан, палаклари компакт ривожланадиган эртапишар картошка навларини қалинроқ экиш тавсия этилади. (Писарев Б.А., Трофимец Л.Н., 1982, Писарев Б.А., 1986). Эртапишар ва ўртапишар навлар учун С.Дмитров (1974) гектарига 55-56 минг, кечпишар навлар учун эса 47 минг туп ўсимликларни жойлаштириш яхши самара беришини таъкидлайди. Шунга қарамасдан, озуқа майдонининг ошишига бўлган навларнинг биологик хусусияти эътиборга олиниши лозимлиги таъкидланади. (Рагозина И.И., Полетаев А.М., 1983). Айниқса катта туганаклар ҳосил қилувчи Гатчинский, Огонёк, Темп, Новинка ва Вятка навларни қалин экилиши ҳосилда уруғлик туганаклар чиқимини оширади. (Писарев Б.А., Трофимец Л.Н., 1982).

Кўпгина муаллифларнинг маълумотлари бўйича майдон бирлигида туп қалинлигининг ошиши картошка ҳосилдорлигининг ошишига олиб келади.

(Головко Д., 1970, Кузнецов А.И., 1970, Галеев Р.К., Соломатина А.И., 1976, Остонакулов Т.Э., 1997).

Республика шароитида картошкани 70x20 см схемада экилиши яхши самара бериши аниқланган. (Хушвақтов С., 1973). Бундай экиш схемасида гектарида 71 минг туп ўсимлик бўлиб, уларнинг маҳсулдорлигининг 70x30 схемада экилганга нисбатан паст бўлишига қарамасдан, майдон бирлигидан олинadиган ҳосил миқдори 25-27% юқори бўлиши кузатилади. (Абдукаримов Д.Т., 1971). Шундай натижалар Ж.Қодиров (1994) тажрибаларида олинган. Баъзи адабиётлар маълумотларига кўра, экиш қалинлигининг ошиши билан олинadиган қўшимча ҳосил миқдори бошқа омилларга ҳам боғлиқ. Масалан, Б.Писарев (1986) бундай агротехник тадбирнинг самарасини минерал ўғитлар нормасининг оширилиши билан кузатиш мумкинлигини таъкидлайди. Бошқа олимларнинг олган натижаларининг кўрсатишича, туп қалинлигининг оширилиши тупроқ намлигининг ошиши билан самарали бўлади. Масалан, 70x15 схемада экилганда 70x30 схемага нисбатан сугориш режими 65-70-75% бўлганда 3ц, 70-75-80% да 23 ц ва 75-80-85% сугориш режимида 41 ц қўшимча ҳосил олинган. (Хушвақтов С., 1972). Шунинг учун ҳам ёғингарчиликлар кам бўлган йилларда туп қалинлигининг оширилиши майдон бирлигидан олинadиган ҳосилнинг кўпайишига олиб келмайди (Писарев Б.А., 1986).

Тажрибаларнинг кўрсатишича, экиш қалинлигининг ошиши билан ҳосил структураси таркибида уруғлик туганаклар чиқими юқори бўлади. Масалан, С.Хушвақтов (1974) тажрибаларида гектарида 95 мингтагача (70x15 см) туп қалинлигининг оширилиши шундай натижаларга олиб келган. Худди шундай натижаларни С.Нарзиева (1981) келтирган. Аналогик натижалар тўғрисида Д.Т.Абдукаримов (1972), Ш.Каримова (1977) ва бошқа кўплаб муаллифларнинг ҳам маълумотлари мавжуд.

Экиш схемасининг ҳосилдорликка ва ҳосил структурасига таъсири шундай муҳитда шаклланган ўсимликларнинг морфологик хусусиятлари билан белгиланади. Маълумотларга кўра, экиш қалинлигининг ошиши билан

битта ўсимликка туғри келадиган ён поялар, барглар ва туганаклар сони (Шарипов Н., 1999), барг юзаси (Заяц В.П., 1971) камаяди. Бу эса ўз навбатида соф фотосинтетик потенциалнинг пасайишига (Починок Х.Н., Окененко А.С., 1966) олиб келади. Лекин туп сонининг кўплиги ҳисобига бундай салбий таъсир компенсацияланади (Хушвақтов С., 1974).

Маълумки, картошка уруғчилиги вируссиз асосда ташкил этилганда учки меристема усулида соғломлаштирилган туганакларнинг кўпайиш коэффицентини ошириш катта аҳамият касб этади. Шу мақсадда кўпайтириш питомнигида соғлом туганакларни И.Эргашев (1989) 70x70 схемада экишни тавсия этади. Бошқа муаллифлар экиш схемасининг оширилишини фақат йирик туганакларни уруғлик мақсадида фойдаланилганда тавсия этадилар. (Зомотаев А.И., Христенко Т.С., 1985). Шу билан бирга, экиш қалинлигининг ошиши туганакларнинг кўпайиш коэффицентини ошириши тўғрисида кўпгина маълумотлар бор. Шундай маълумотлар О.Қодирхужаев (1972), Г.Глянко (1974) ва В.Кушнарвалар (1971) томонидан келтирилган.

Уруғбоп туганаклар чиқимидан ташқари, экиш схемасини картошканинг уруғлик сифатларига таъсир этиши мумкинлиги туғрисида маълумотлар мавжуд. Масалан Н.Н.Балашевнинг (1966) таъкидлашича, қалин экилган майдонлардан сифатли уруғлик материал олинади. Бунинг сабабини муаллиф республикамиз шароитидаги картошканинг ўсиши ва ривожланиши учун салбий таъсир этувчи интенсив қуёш инсоляцияси билан боғлайди. Қалин экилган майдонларда А.А.Скофенко ва бошқалар (1966) ёруғлик интенсивлигининг икки марта камайиши ўсимликларнинг бир-бирига соя қилишининг кучайиши билан боғлаб, бундай шароитда барг буралиш касаллиги симптомларининг ҳам камайиши туғрисида маълумотлар келтирган. Бундай натижаларнинг Д.Т.Абдукаримов (1971) ва С.Нарзиева (1981) тажрибаларида ҳам олинishi муаллифлар томонидан қалин экилган майдонларда ўсимлик палакларининг тез кўшилиб кетиши сабабли тупроқнинг ҳаддан ташқари қуриб ва қизиб кетишидан сақланганлиги учун

туганаклар ҳосил бўлиши учун кулай микромуҳит яратилганлиги билан боғлашган. Бу эса ўз навбатида уруғлик сифатига ижобий таъсир кўрсатади.

Экиш схемасининг картошканинг уруғлик сифатларига таъсирини баъзи муаллифлар (Бацанов Н.С., 1970) бошқа сабаблар билан изоҳлайдилар. Уларнинг фикрича, қалин экилган майдонларда уруғлик туганакларнинг тупроқ юзасига чиқиб қолиши кузатилади. Тупроқ юзасига туганакларнинг яқин жойлашиши эса унинг уруғлик сифатига ижобий таъсир кўрсатади.

Ўсимликларнинг қалин жойлашиши натижасида уларнинг вирус ташувчи ҳашоротлар билан камроқ озиқланишига олиб келиши С.Т.Бубенцова (1967) фикрича уруғлик картошкани соғлом сақлаб қолади. Бизнингча, муаллифнинг бу фикри балки бошқа тупроқ-иқлим шароити учун туғридир. Лекин қуруқ ва иссиқ ҳаво шароити билан характерланадиган Ўзбекистонда салқин микроиқлим шароити вирус ташувчи ҳашоратларнинг (жумладан ўсимлик битларининг) ҳам қанотсиз, ҳам қанотли формалари учун кулай ҳисобланади. Бундан ташқари А.Г.Зыкин (1970, 1976) маълумотлари бўйича картошка қанча қалин экилса, контакт усулда тарқаладиган вируслар ўсимликлар баргларининг бир-бирига тегиб туриши ва қатор ораси ишланганда уларнинг кучли силкиниши туфайли тарқалиш имконияти кучаяди.

1.2. Картошканинг биологик хусусиятлари

Картошка юмшоқ иқлим ўсимлиги. Лекин ўзининг пластиклиги (мосланувчанлиги) туфайли турли тупроқ-иқлим шароитларида ўстирилиб, муттасил мўл ва сифатли ҳосил олинмоқда.

Картошка ўсимлиги ўсиш ва ривожланишида униб чиқиш, шоналаш, гуллаш, палак сарғайиш ва пишиш фазаларини ўтайди. Ўсимликнинг бутун шахсий ривожланиш жараёнини шартли равишда 3 даврга бўлиш мумкин:

1. Униб чиқишдан гуллашгача бўлган давр. Бунда асосан палак жадал ўсади, шаклланади, туганак ҳосил бўлиш эса жуда кам бўлиб бошланади.
2. Гуллашдан палак сарғайишгача бўлган давр. Бу туганакларнинг энг жадал ўсиш ва шаклланиши билан характерланади.
3. Палак сарғайишдан унинг табиий қуриши туганак пишишигача бўлган давр. Бу даврда туганак ўсиши давом этади, лекин иккинчи даврга нисбатан суст боради.

Даврларнинг давомийлиги навларнинг ўсув даврига боғлиқ бўлиб, эртапишар навларда униб чиқишдан гуллашгача 25-35 кун, ўртапишар ва кечпишар навларда эса 40-45 кун ўтади. Иккинчи гуллашдан-палак сарғайишгача бўлган давр тезпишар-ўртатеэпишар навларда 25-35 кун, ўртапишар ва ўртакеэпишар навларда эса 43-50 кун давом этади. Учинчи давр (палак сарғайишдан-туганак пишишгача, тезпишар навларда 20-25 кун, кечпишар навларда эса 30-35 кунда ўтади.

Энг муҳими иккинчи давр ҳисобланиб, 65-75 % туганак ҳосили шаклланади. Шунинг учун бу даврда барча тадбирлар ўсимлик ўсиш ва ривожланиши, туганак шаклланиши учун қулай шароит яратишга қаратилмоғи шарт. Шундагина ҳар суткада гектарда 2,5-3 тонна ҳосил тўпланиши мумкин. Кейинги даврларда бу кўрсаткич гектарига 0,3-1,0 тоннани ташкил этиб, кескин камаяди.

Палаклар сарғайгач, барглардан туганакларга оқиб келаётган озик моддалар тугайди ва ўсимлик ўсишдан тўхтаб қуриydi, туганаклар эса пишиб етилади ва тиним даврига ўтади. Тиним даври сақлаш шароити ва картошка навига қараб 2,5-3, ҳатто 5 ойгача давом этади. Шундан сўнг туганаклар нишлай бошлайди.

Картошка экиннинг ватани бўлган Чилининг денгиз бўйи районлари иқлими юмшоқ, салқин, сернам, тупроқлари калийга бой. Туганакларнинг шаклланиши серёғин (300 мм дан зиёд), ҳавонинг нисбий намлиги юқори (75 % дан ортиқ), суткалик ўртача ҳарорат юқори бўлмаган (10-15⁰С) даврда ҳамда узун кун (12-15 соат) шароитида ўтади. Шунинг учун филогенез жараёнида картошка ўсимлиги паст ҳароратга, сернамликка ва куннинг узун бўлишига мослашган.

Ҳароратга муносабати. Картошка нисбатан паст ҳарорат ўсимлигидир. Туганакларнинг нишлаши ва кўкариши ҳарорат 5-6⁰С дан юқори бўлганда бошланади. Кўкариб чиқаётган ва чиққан ўсимликларнинг тез илдиз ҳосил қилиши учун ҳарорат 7⁰С дан пасаймаслиги лозим. Шунинг учун картошка туганаклари тупроқ 10 см қатлами 7-8⁰С исиганда экилади. Ҳарорат 18-20⁰С бўлганда ўсимликлар тез кўкариб чиқади.

Нишлатилмаган уруғлик туганаклар экилганда униб чиқиш экилганнынг 20-25-куни, уруғлик туганаклар нишлатилиб экилганда эса 6-11 кун олдин кўкариб чиқади. Экилгандан униб чиқишгача ҳароратнинг 10-12⁰С гача пасайиши кўкаришни 5-6 кунга узайтиради. Картошка уруғлик туганаклари униб чиқиш учун 240-300⁰С фойдали ҳарорат йиғиндисини талаб этади.

Ҳарорат 3⁰С дан паст ва 35⁰С дан юқори бўлганда туганакдаги куртакларнинг ўсиш ва ривожланиши тўхтайдди. Бу ҳолатларда туганак бир неча кун қолса, унинг ўзи ва куртаклари нобуд бўлади.

Картошка палагининг ўсиш ва ривожланиши учун қулай ҳаво ҳарорати 18-23⁰С ҳисобланади. Ҳарорат бундан ошса, фотосинтез секинлашади, 40⁰С

га етганда палак ўсиши тўхтаб, фотосинтез натижасида ҳосил бўлаётган озик моддалар нафас олиш учун етмайди.

Ёруғликка муносабати. Картошка ёруғсевар ўсимлик. Ёруғлик етишмаса, палакларнинг ўсиши, гуллаши, туганак пайдо бўлиши сусайиб, ҳосилдорлик жиддий камаяди. Бироқ ёз ойлари республикамизда қуёшнинг ерга кучли даражада нур сочиши (инсоляцияси) ўсимликнинг ўсиш ва ҳосил тўплашига салбий таъсир этади. Картошка бир гектар майдонида 40-50 минг квадрат метр барг сатҳи шакллантирадиган экиш қалинлиги энг қулай ҳисобланади (Т.Э.Остонақулов, 1991).

Куннинг узунлиги ҳам картошканинг ўсиш ва ривожланишига катта таъсир этади. Узун кун ўсимлик палагининг, қисқа кун эса туганак шаклланиши ва ўсишининг жадал ўтишига олиб келади. Лекин, бу ҳолат шартли бўлиб, кўпчилик ҳозирги экиладиган навлар учун узун кун ўсимликнинг ривожланиши ва туганак ҳосил қилиши учун ҳам яхшидир.

Намга муносабати. Картошка тупроқ ва ҳаво намлигига талабчан. Ўсимликнинг ўсиш ва ривожланиш фазаларида намга бўлган талабчанлиги турлича. Бу албатта унинг биокимёвий таркиби (70-85 % гача сув), морфологик тузилиши, кўп миқдорда биомасса ҳосил қилиши, барг сатҳини шакллантириши ва илдиз системасининг нисбатан юза жойлашиши билан боғлиқ. Картошканинг транспирация коэффиценти 630-700 га тенг.

Картошка палагининг етарли даражада ўсиши ва юқори туганак ҳосили тўплаш учун энг қулай шароит тупроқнинг намлиги дала нам сиғимига нисбатан униб чиқишдан шоналашгача 70-75, шоналашдан палак сарғайишгача 80-85, палак сарғайишдан йиғишгача 75-80 % бўлганда қайд этилади (Т.Э.Остонақулов, 1980, 1991).

Картошка қурғоқчиликка ҳам нисбатан чидамли ўсимлик. Қурғоқчилик бошланиши билан транспирация ва фотосинтез жараёни сусаяди, ўсимлик ўсиш ва туганак туғишдан тўхтади, лекин нобуд бўлмайди. Қурғоқчилик

ўтгач, картошканинг туганак тугиши ва унинг ўсиши тикланади, лекин ҳосилдорлик сезиларли равишда камаяди.

Картошка юмшоқ тупроқ экини. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, тупроқнинг ҳажм массаси 0-30 см қатламда 1,25-1,35 г/см³ бўлса, картошка ўсимлиги ўсиши, ривожланиши ва етарли товар ҳосил тўплаши учун қулай шароит яратилади (Т.Э.Остонақулов, 1991).

Картошка шўр ерларда яхши ўсмайди, айниқса хлорли шўрланиш ўсимликка ёмон таъсир кўрсатади. Академик В.И.Зуев таъкидлашича, тупроқ таркибидаги хлор 0,015-0,020 % дан ошса, ҳосилдорлик сезиларли камайиб, 0,05-0,07 % бўлса ўсимликда туганаклар деярли ҳосил бўлмайди. Шунинг учун бундай шўрланган ерларда картошка ўстиришдан олдин тегишли мелиоратив тадбирлар ўтказилиши шарт.

Картошка экини тупроқ эритмасининг кучсиз кислотали (рН=5-6) бўлишини ҳоҳлайди. Лекин, нейтрал ва кучсиз ишқорий тупроқларда яхши ўсиб, юқори ҳосил беради.

Озиқ элементларга муносабати. Картошка тупроқдаги озиқ элементларга талабчан ўсимлик. Бу унинг биологик хусусиятлари, кўп миқдорда биомасса тўплаши ва нисбатан илдиз системасининг кучсиз ривожланганлиги билан боғлиқ. Ўртача ҳар 100 центнер (10 тонна) картошка ҳосили ўзи билан 50 кг азот, 20 кг фосфор, 90 кг калий олиб чиқади.

Озиқ элементларнинг тупроқда етишмаслиги ёки ортиқча миқдорда бўлиши ўсимликнинг вегетатив ва репродуктив органларининг нисбатига, маҳсулдорлиги, касаллик, ноқулай шароитларга, айнишга чидамлиги, ҳосилдорлик, туганак биокимёвий таркиби, сақланувчанлиги ва уруғлик сифатига ниҳоятда катта таъсир этади.

1.3. Эртаги картошка узиши, ривожланиши, ҳосилдорлигига ва уруғлик сифатларига экиш муддати ва схемасининг таъсири бўйича олиб борилган илмий тадқиқот ишлари натижалари ва уларнинг таҳлили

Турли экиш муддатлари ва схемаларида ўсимликларнинг фенофазаларининг ўтиши. Қишлоқ хўжалиги экинларининг ривожланиш фазаларининг ўтишига агротехник тадбирларнинг ўрганиш катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Айниқса, оптимал экиш муддатларини белгилаш экинлардан юқори ва сифатли маҳсулот олишни таъминловчи муҳим омиллардан биридир. Эртаги картошка етиштиришда шу муддат муайян минтақанинг тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда экиннинг биологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда шундай белгиланиши лозимки, бу муддатда ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши учун қулай бўлсин.

Экиш муддатлари ва схемасининг картошканинг фенологик фазаларига таъсири туғрисидаги маълумотлар адабиётлар мазмунида ҳам келтирилган. Лекин картошка уруғчилиги вируссиз асосда ташкил этилганда бу агротехник тадбирларнинг Ўзбекистон тупроқ-иқлим шароитида ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва айниқса соғлом дастлабки материалнинг қайтадан зарарланишига таъсири туғрисидаги маълумотлар йўқлигини ҳисобга олиб биз тажрибаларимизда фенологик кузатишлар олиб бордик.

Тажрибаларда март ойининг учта декадасида ҳар хил экиш схемасида ўсимликларнинг униб чиқиши, шоналаш, гуллаш ва палак сарғайиши фазаларининг ўтиши кузатилди. Олинган маълумотлар асосида эса ўсимликларнинг ўсув даври давомийлиги аниқланди.

Натижалар шуни кўрсатдики, март ойининг биринчи декадасида экилганга нисбатан кейинги декадаларида экилган вариантларда ўсимликларнинг униб чиқиши тезроқ кузатилди. Масалан, биринчи ўн

кунликда экилган вариантларда Зарафшон нави ўсимликлари 24-25 кундан униб чиққан бўлса, иккинчи декадада экилган вариантларда 21-22 кунда униб чиқди. Яъни ўсимликларнинг униб чиқиши экиш муддатларига қараб 3-8 кунга ўзгариши мумкин. Картошканинг Сантэ навида эса бу кўрсаткичлар шунга мувофиқ равишда 29-30, 24-25 ва 18-20 кунни, экиш муддатлари ўртасидаги фарқ эса 6-11 кунни ташкил қилди. Натижалардан хулоса қилиш мумкинки, ўниб чиқиш тезлигига экиш муддатларининг таъсири катта бўлиб, ўрганилган ҳар икки навда ҳам экиш схемаларининг ўсимликларнинг униб чиқишига сезиларли таъсири кузатилмади. Бу фарқ ҳар икки навда ҳам 1-2 кунни ташкил қилди. Экиш муддатларининг кечиктирилиши билан ўсимликларнинг униб чиқишининг тезлашишини баҳорги ҳаво ва тупроқ ҳарорати билан боғлаш мумкин. Яъни ҳаво ҳароратининг ошиши ўсимликларнинг униб чиқишини тезлаштиради.

Экиш муддати ва схемаларининг картошканинг кейинги ривожланиш фазаларининг ўтишига таъсири 1 жадвалда келтирилган.

Жадвалдан кўриниб турибдики, экиш муддатларининг кечиктирилиши билан экиш схемаларидан қатъий назар, ўсимликларнинг бошқа фенофазаларининг ўтиши ҳам тезлашади. Масалан, картошканинг Зарафшон навида март ойининг биринчи декадасида экилган вариантда униб чиқишдан шоналашгача ўтган давр 19-20 кунни, шоналашдан гуллашгача 13-14 кунни, гуллашдан палак сарғайишигача 40-42 кунни ташкил этиб ўсув даври давомийлиги 72-75 кунни ташкил этди. Иккинчи муддатда экилганда эса бу кўрсаткичлар фенофазаларга мувофиқ равишда 17-18, 11-12, 39-40 ва 67-70 кунни, учинчи муддатда экилган вариантда эса 15-17, 9-11, 37-38 ва 61-66 кунни ташкил этди.

Картошканинг Сантэ навидан ҳам аналогик натижалар олинди. Бу навнинг ўсув даври давомийлиги вариантлар бўйича 74-84 кунни ташкил қилди. Натижалар шуни кўрсатдики, ўсимликларнинг ўсув даври давомийлигига экиш схемасига нисбатан экиш муддатлари катта таъсир кўрсатади.

Яъни Зарафшон навида ҳар хил экиш муддатларида ўсимликларнинг ўсув даври давомийлиги 61 кундан (март ойининг учинчи декадасида 90x25 схемада экилганда), 75 кунгача (март ойининг биринчи декадасида 90x15 схемада экилганда) ўзгариб, вариантлар ўртасидаги фарқ 14 кунни ташкил қилган бўлса, Сантэ навида эса бу кўрсаткич 10 кунни ташкил этди.

Экиш муддатлари ва схемаларининг картошка навларининг ривожланиш фазаларининг ўтиш давомийлигига таъсири
(Д.Нормуродов маълумотлари)

	Вариантлар		Ривожланиш фазаларининг ўтиш давомийлиги, кун				
	экиш муддати, март ойи декадалари	экиш схемаси, см	экиш – униб чиқиш	униб чиқиш - шоналаш	шоналаш – гуллаш	гуллаш – палак сарғайиши	ўсув даври давомийлиги, кун
Зарафшон нави							
	I	90 x 15	24	20	13	42	75
		90 x 20	25	20	14	41	75
		90 x 25	24	19	13	40	72
	II	90 x 15	22	18	12	40	70
		90 x 20	21	18	12	40	70
		90 x 25	22	17	11	39	67
	III	90 x 15	17	17	11	38	66
		90 x 20	18	16	10	37	63
		90 x 25	18	15	9	37	61
Сантэ нави							
	I	90 x 15	29	26	19	39	84
		90 x 20	29	28	18	40	83
		90 x 25	30	24	18	40	82
	II	90 x 15	25	23	17	40	80
		90 x 20	24	22	16	41	79
		90 x 25	24	22	16	40	78
	III	90 x 15	20	21	14	42	77
		90 x 20	20	21	14	40	75
		90 x 25	18	21	13	40	74

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, баҳорги экиш муддатининг кечиктирилиши билан ўсимликлар бўйининг пасайиши кузатилади. Масалан, март ойининг биринчи декадасида 90x15 схемада экилган Зарафшон нави ўсимликларининг ўртача бўйи 67,4 см ни, Сантэ навида 78,1 см ни ташкил қилган бўлса, март ойининг учинчи декадасида 90x25 схемада экилган ўсимликларнинг бўйи шунга мувофиқ равишда 56,4 ва 62,4 см ни ташкил қилди. Яъни экиш муддати ва схемасига боғлиқ равишда ўсимликлар бўйи ўртасидаги фарқ Зарафшон навида 13 см ни, Сантэ навида 7,7 см ни ташкил қилади (2 жадвал).

Экиш схемасининг ҳам ўсимликларнинг ривожланишига таъсири кузатилди. Масалан, Зарафшон навида март ойининг бошида экилган вариантда 90x15 схемада ўсимликларнинг гуллаш давридаги бўйи 67,4 см ни, 90x25 схемада экилганда бу кўрсаткич 62,3 см ни ташкил этди. Бундай фарқ кейинги экиш муддатларида ҳам нафақат сақланиб қолди, балки ошиб борди. Яъни, март ойининг учинчи декадасида экилган вариантда экиш схемаларига боғлиқ равишда ўсимликлар бўйи ўртасидаги фарқ бу навда 7,1 см га етди. Картошканинг Сантэ навида ҳам аналогик натижалар олинди. Бу навда ўсимликлар бўйи ўртасидаги фарқ 90x15 ва 90x20 см экиш схемасида кучлироқ кузатилди.

Экиш муддатлари ва схемалари ўсимликларда поялар сонининг шаклланишида навларга ўзига хос хусусиятларни намоён қилди. Масалан, Зарафшон нави ўсимликларида экиш муддатининг кечиктирилиши билан ҳар бир ўсимликка тўғри келадиган поялар сони бироз камайди ва поялар сони ўртасидаги фарқ 0,5 донагача етди. Экиш схемалари ҳар хил бўлган вариантларда бу кўрсаткич ўртасида кескин фарқлар кузатилмади ва бу кўрсаткич ўртасидаги фарқ ҳар бир ўсимликда 0,1-0,2 донани ташкил қилди.

Картошканинг Сантэ навида эса экиш муддатлари ўсимликлар поялари сонига деярли таъсир кўрсатмади. Вариантлар ўртасидаги фарқ ҳар бир туп ўсимликда бор йўғи ўртача 0,3 донагача етди. Худди шу катталиқдаги фарқ экиш схемалари билан фарқланадиган вариантларда ҳам кузатилди.

**Экиш муддатлари ва схемасининг картошка навларининг баъзи биометрик
кўрсаткичларига таъсири (гуллаш даврида) (Д.Нормуродов маълумотлари)**


Вариантлар		Ўсимликлар бўйи, см	Асосий поялар сони, дона/туп	Ён поялар сони, дона/туп	Барглар сони, дона
экиш муддати	экиш схемаси				
Зарафшон нави					
I	90 x 15	67,4	4,0	25,4	145
	90 x 20	64,8	4,1	27,0	160
	90 x 25	62,3	4,3	29,3	187
II	90 x 15	65,0	3,6	23,7	124
	90 x 20	62,6	3,7	26,6	138
	90 x 25	59,2	3,8	28,4	163
III	90 x 15	63,5	3,6	22,5	115
	90 x 20	60,1	3,7	25,3	126
	90 x 25	56,4	3,8	27,0	141
Сантэ нави					
I	90 x 15	78,1	4,3	28,6	166
	90 x 20	74,2	4,3	34,3	174
	90 x 25	72,0	4,5	39,0	188
II	90 x 15	74,3	4,2	27,5	140
	90 x 20	71,6	4,2	33,6	158
	90 x 25	68,1	4,4	38,7	170
III	90 x 15	70,2	4,0	28,0	124
	90 x 20	66,0	4,0	33,8	138
	90 x 25	62,4	4,2	39,3	167

Экиш муддатларининг ўсимликларнинг ён поялари сонини ҳосил қилишга ҳар икки ўрганилган навда ҳам таъсири кам сезилди. Масалан, Зарафшон навида март ойининг биринчи декадасида 90x15 схемада экилган

вариантда ҳар бир ўсимлик ўртача 25,4 дона ён поялар ҳосил қилган бўлса, 90x25 схемада 29,3 донани ташкил қилди.

Картошканинг Сантэ навида эса шунга мувофиқ равишда 28,6 ва 39,0 донани ташкил этди. Яъни, бу навда вариантлар ўртасидаги фарқ кучлироқ намоён бўлди. Бу ҳам шу нав ўсимликларининг биологик хусусиятларидан келиб чиқади. Яъни экиш схемасининг кенгайтирилиши билан ўсимликларнинг ривожланиши кучаяди. Бу фарқ бошқа экиш муддатларида ҳам ҳар икки навда сақланиб қолди. Шунини таъкидлаш керакки, ҳар икки навда ҳам экиш схемасининг кенгайиши билан ўсимликлардаги барглар сони ошиб бориши кузатилди. Масалан, Зарафшон навида март ойининг биринчи декадасида 90x15 см да экилганда ҳар бир ўсимликда ўртача 145 та барг шакллланган бўлса, 90x25 см да бу кўрсаткич 187 донани, Сантэ навида шунга мувофиқ равишда 166 ва 188 донани ташкил этди. Кейинги экиш муддатларида ҳам шундай фарқлар кузатилди.

экиш схемалари ўсимликларда туганаклар тўпланиш динамикасига сезиларли таъсир кўрсатди. Картошканинг Зарафшон навида биринчи ковлашда айникса 90x15 схемада (152,5 г/туп) экилган ўсимликларга нисбатан 90x20 схемада экилган ўсимликларда ҳосил (305г/туп) тўплаш интенсивлиги юқори бўлди. Худди шундай таъсир бу вариантларда иккинчи ковлашда ҳам кузатилди. Яъни юқорида келтирилган экиш схемаларида ҳар бир ўсимликда тўпланган ҳосил ўртасидаги фарқ 167,1 граммни ташкил қилди. Экиш схемалари ўртасидаги бундай фарқ март ойининг иккинчи ва учинчи декадаларида экилган вариантларда ҳам сақланиб қолди. Экиш схемалари 90x20 ва 90x25 см бўлган вариантлар ўртасидаги кескин фарқ кузатилмади. Бунинг сабаби ҳамма муддатларда ҳам 90x25 см схемада экилган вариантларда ҳосилнинг асосий қисми иккинчи ва учинчи ковлаш оралиғида тўпланганлиги сабабли бўлиши мумкин (1-расмда келтирилган).



1-расм. Картошка экиш муддатлари ва схемасининг усимликларда туганаклар хосил булиш динамикасига таъсири

Натижалардан шуни хулоса қилиш мумкинки, ҳар икки нав учун ҳам оптимал экиш схемаси 90x20 см бўлиб ҳисобланади. Лекин ҳосилдорлик бўйича кейинги ўринда Зарафшон навида 90x15 см экиш схемаси бўлса, Сантэ навида эса 90x25 схемаси эканлиги аниқланди. Бу эса ўз навбатида Сантэ нави Зарафшон навиға нисбатан озиқа майдонининг кенгайтирилишиға талабчан эканлиғидан далолат беради.

Навлар ва экиш схемалари бўйича фарқлар кейинги экиш муддатларида ҳам сақланиб қолди. Баҳорги экиш муддатининг ҳар 10 кунға кечиктирилиши вариантлар бўйича Зарафшон навида ҳосилдорликни гектаридан ўртача 2,5-3,2 т Сантэ навида эса 2,1-3,2 т пасайишиға олиб келади (3 жадвал).

Олинган натижалардан шуни хулоса қилиш мумкинки, уруғлик картошкани баҳорда март ойининг биринчи ўн кунлиғида 90x20 см схемада экиш юқори ҳосил олишни таъминлайди.

Экиш муддатлари ва схемасини картошка эртапишар навларининг ҳосилдорлигига таъсири (Д.Нормуродов маълумотлари)

Вариантлар		Зарафшон нави				Сантэ нави			
1	2	ҳосилдорлик, т/га, йиллар							
		2008	2009	2010	ўртача	2008	2009	2010	ўртача
I	90 x 15	21,3	24,6	26,4	24,1	24,0	25,7	29,2	26,3
	90 x 20	22,5	28,2	28,8	26,5	27,9	31,8	32,7	30,8
	90 x 25	20,1	22,8	24,0	22,3	26,3	28,9	30,3	28,5
II	90 x 15	19,7	19,7	24,2	21,2	22,1	23,7	27,1	24,3
	90 x 20	21,2	23,8	26,1	23,7	25,7	27,9	31,0	28,2
	90 x 25	17,6	16,9	22,8	19,1	23,8	27,0	28,4	26,4
III	90 x 15	16,4	18,3	21,4	18,7	19,0	20,3	24,6	21,3
	90 x 20	18,3	21,4	23,0	20,9	23,2	23,9	27,9	25,0
	90 x 25	15,0	14,7	18,9	16,2	20,9	22,7	26,3	23,2
ЭАФ ₀₅	т/га	1,1-1,3				1,2-1,4			

Навларнинг экиш схемаларига талаби уларнинг биологик хусусиятлари билан боғлиқ бўлиб, ўртатезпишар Сантэ нави тезпишар Зарафшон навига нисбатан унга талабчанроқ. Экиш муддатининг ҳар 10 кунга кечиктирилиши экин ҳосилдорлигини гектаридан 2,1-3,2 т пасайишига олиб келади.

2. Ўзбекистонда районлаштирилган ва кенг тарқалган картошка навлари

Республикаимизда ўсув даври 70-90 кун бўлган Белорусский ранний, Зарафшон, Невский, Огонёк, Аринда, Бахро – 30, Қувонч – 16/56 м, Ред Скарлет, Фреско, Эсприт, Бардошли – 3, Сантэ, Марфона, Романо, Кондор, Космос, Эскорд, Бинелла, Детскосельский, Ликария Каратоп, Каретта, Латона, Симфония каби тезпишар ва ўртатезпишар, ўсув даври 93-115 кун Сулев, Арнова, Ҳамкор – 1150, Темп, Пикассо, Кардинал, Диамант, Агрия ва бошқа ўртапишар ҳамда ўртакечпишар навлар экилади.

Кенг тарқалган районлаштирилган навларнинг морфологик белгилари ва хўжалик-биологик таърифи келтирилган.

Зарафшон нави - Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида дунё коллекция намуналаридан Вир К-5175 и К—6234 чатиштириб яратилан. 1985 йилда Ўзбекистон ҳамма жойларида районлаштирилган.

Эртапишар, тош сифати яхши (4-6 балл). Ҳосилдорлиги юқори 240-260 ц/га. Товарлиги юқори 95-98 % вирус касалликлари, юқори ҳароратга чидамли. Туганаклари тўқ сариқ, узун овалсимон, крахмал миқдори 13,6-15,8 %. Барглари йирик, тўқ яшил рангда. Интенсив жойда ҳосилдорлиги юқори бўлиб, эртаги, кечги ва икки ҳосилли экишга хос. Сақланувчанлиги яхши.

Невский нави – Шимолий - Ғарбий ҚХИТИ да дурагайлаш, якка танлаш орқали Е. А. Осипова яратган. Гул тўплами шакли ғуж, гул тожи оқ рангда, гул коса барги учи баргсимон, барглари овалсимон, туганаклари сарғиш рангда, узун овал шаклда, пўсти силлиқ, туганакдаги кўзчалари қизил. Ўсув даври 80-85 кун. 1981 йил районлаштирилган. Ўрта тезпишар, интенсив типда, ҳосилдорлиги юқори, ёзда ковлаб олинган туганаклар билан экишга яроқли. Сақланувчанлиги яхши.

Сантэ нави- Голландияда дурагайлаш, якка танлаш орқали И. Вектер яратган. Гул тўплами ғуж, гул тожи оқ рангда, гул коса барги учи баргсимон, барги узунроқ тухумсимон, туганаги сарғиш, шакли юмалоқ овалсимон, пўсти силлик, ўсув даври 80-85 кун, 1993 йилдан бери кенг экилиб келинади.пластик, ўрта тезпишар интенсив нав. Ҳосилдорлиги юқори. Эртаги, кечки ва икки ҳосил экишга мос. Сақланувчанлиги жуда яхши.

Марфона нави- Голландия (Агрико) дурагайлаш, якка танлаш орқали И.П.Г.Кенст яратган. Гул тўплами ғуж шалда, гул тожи оқ рангда, барглари овалсимон, туганаклари сарғиш, узун овал шаклда, пўсти силлик. Ўсув даври 85-90 кун, 1992-1996 йил кўп экилди.Ўрта тезпишар ҳосидор.Эртаги, кечки ва икки ҳосил экишга мос. Сақланувчанлиги яхши.

Детскосельский нави- Бутун Иттифок Ўсимликшунослик илмий тадқиқот институтида (1959 г) яратилган. Ранная роза нави ва мураккаб гибрид (F_2 солянум делиссум х Солянум андигенум) *solanum demissum* х *Solanum andegenum* чатиштириб олинган ўотатезпишар юқори ҳосилдор. Крхмаллиги ўртача фторозга чидамли. Туганаклари йирик пушти ранг, овалсимон, кўзлари кам юза жойлашган. Барглари тўқ яшил рангда.

Белорусский нави- беларуссия картошкачилик ва мева сабзавотчилик илмий тадқиқот институтида П. И. Альсмик бошчилигида Эликур ва Прискульский ранний навлари чатиштириб яратилган. Эртатезпишар, юқори ҳосилдорлиги 200-250 ц/га в ундан юқори. Туганакларда кразмал микдори- 12-14 %, 2-2,5 % протеин мавжуд. Рак касаллигига чидамли. Фитофтороз кучли зарарланади, вирус касалликларига чидамсиз. Туганак меваси оқ, вирус касалликларига чидамсиз. Туганак меваси оқ, барглари йирик, тўқ яшил рангда. Гуллари оқ.

Приекульский ранний- приекульский селекцион тажриба станция Латвия деҳқончилиги институти Э. И. Петерсон (1953). Кобблер ва Юбель навларини чатиштириб олинган, 58 областида районлаштирилган, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам. Ўзбекистонда ҳосилдорлиги 200-220 ц/га. Юқори ҳосилдор паст ва ўртача (11-14 %), туганаклар товарлиги яхши

ўртасча (79-80 %). Ракка чидамли. Туганакларни кучсиз фитофтороз билан зарарланади.

Туганаклари оқ, юмалоқ-овалсимон. Барглари тўқ яшил, йирик. Гуллари оқ икки ҳосилли экишга мос.

Рамона нави- Голландия дурагайлаш, якка танлаш орқали Б. В. Дрмаиш томонида яратилган. Гул тўплами ғуж, қизил рангда, барглари овалсимон, узун-овал, туганаклари қизил, юмалоқ овал шаклда, пўсти силлиқ. туганакдаги кўзчалар сони кўп ўртача чуқурликда. Ўсув даври 80-85 кун. 1993 йилдан бери кенг экилади. Пластик, ўртатезпишар, ҳосилдорлиги юқори. Эртаги, кечки ва икки ҳосил экишга мос. Сақланувчанлиги яхши.

Кондор нави- Голландия дурагайлаш, якка танлаш орқали И.А. Конст яратган. Гул тўплами ғуж шаклда, қизил рангда, гул коса барги учининг шакли баргсимон, тўғри барглари овалсимон шаклда, туганаклари қизил узун-овалсимон, пўсти силлиқ, ўсув даври 85-90 кун. 1996 йилдан бошлаб экилмоқда. Пластик, ўртатезпишар, интенсив шўрга чидамли нав. ўсув даври 85-90 кун. Ҳосилдорлиги жуда юқори. Эртаги, кечки ва икки ҳосил экишга мос. Сақланувчанлиги яхши

Пикассо -Голландия дурагайлаш, якка танлаш орқали Б. В. Дуоплашт яратган. Гул тўплами сочма шаклда, гул тожи ранги оқ, барглари узунчоқ овалсимон, туганаклари сарғиш, кўзи-қоши қизилсимон. туганаклари сарғиш кўзи-қоши қизил рангда узун овал, пўсти силлиқ. Ўсув даври 90-95 кун. 1996 йилдан экиш бошланди. Пластик, ўртатезпишар, интенсив шўрга чидамли нав. Эртаги, кечки ва икки ҳосил экишга мос. Сақланувчанлиги ўртача. Тупроқ намлиги 80 % дан ошса ҳақиқий қўтирга чалинувчан. Ўсув даври 90-105 кун.

Кардинал нави- Голландия дурагайлаш, якка танлаш орқали Ф.Брянда яратган. Гул тўплами ғуж шаклда, гул тожи қизил рангда, барглари узун овалсимон, туганаклари қизил рангда, узун овал шаклда, пўсти силлиқ, кўзчалари сони кўп, чуқурлиги юза жойлашган. Ўсув даври 90-105 кун. 1992

йилдан бери экилади. Пластик,ўртатезпишар нав. Ҳосилдор. Эртаги, кечки ва икки ҳосил экишга мос. Сақланувчанлиги жуда ўртача.

Диамант нави- Голландия дурагайлаш, якка танлаш орқали Ф.Брондс яратган. Гул тўплами ғуж шаклда, гул тожи пушти рангда, барглари овал, узун овал шаклда, туганаклари оқ , овал шаклда, пўсти силлиқ. Ўсув даври 95-105 кун. 1992 йилдан бери кўп тарқалган. Экишга мос. Сақланувчанлиги яхши.

3. Эртаги картошка етиштириш технологияси

Нав танлаш. Эртаги картошкадан юқори ва сифатли ҳосил олиш энг аввало ўсув даври 70-90 кун бўлган тезпишар ва ўртатезпишар навлар; Белорусский ранний, Зарафшон, Невский, Детскосельский, Приекульский ранний, Огонёк, Голландиядан келтирилган ва ўзимизда яратилган Аринда, Арнова, Бахро – 30, Қувонч – 16/56 м, Ред Скарлет, Фреско, Ҳамкор – 1150, Эсприт, Бардошли – 3, Сантэ, Романо, Марфона, Кондор, Бинелла, Космос, Германиядан келтирилган Ликария, Каратоп, Латона кабилар экилгандагина олинади. Ўртапишар, яъни ўсув даври 90 кун ва ундан зиёд ўртапишар навлар эртаги картошка етиштиришга ярамайди. Чунки, уларда ҳосил тугиш ёзнинг жазирама иссиқ кунларига тўғри келиб қолади.

Ер танлаш ва тайёрлаш. Эртаги картошка учун полиз, пиёз, карам, кечки бодринг, сабзи ва дуккакли-дон экинларидан бўшаган ерлар энг яхши бўлиб, юқори ҳосил беради. Эртаги картошка енгил қумоқли механик таркибига эга ўтлоқ, ўтлоқ-бўз тупроқларда, дарё ён бағри участкаларида, тоғли ва тоғолди зоналарида яхши ўсиб, юқори ҳосил беради.

Шунинг учун бундай майдонлар эртаги картошка экиш учун кузда гектарига 20-30 т ярим чириган гўнг, 250-300 кг аммофос ва 160-200 кг калий сульфат ёки калий тузи солиниб, 28-30 см чуқурликда шудгорланади. Ерни шудгорлаш учун ДТ-75 М ёки Т-4А тракторига осилган ёки тиркалган ПН-3-35, ПН-4-35, ПЯ-3-35, ПД-3(4)-35 маркали плуглардан фойдаланилади.

Эрта баҳорда шудгор чизель - культиваторлар ҳамда зиг-заг бороналар ёрдамида ишланади ва мола бостириб, эртаги картошка экилади. Эртаги картошка учун ерни ҳайдаш ва экишолди тайёрлашда Голландиянинг «Доминатор» маркали фрезали культиваторидан фойдаланиш самаралидир. Чунки, у тупроқни юмшатиш, текислаш ва юза зичлашни бирданига амалга оширади. Мазкур техникада ерни тайёрлаш мульчалаш, қулай экиш муддати ва экин навини тўғри танлаб олиб борилганда самараси янада юқори бўлади (5-жадвал).

Уруғни экишга тайёрлаш. Эртаги картошка уруғлик туганакларини экишга тайёрлашнинг энг муҳим ва мажбурий элементларидан бири, катталигига қараб саралаш, 80 граммдан зиёд туганакларни эса узунасига кесиб экиш ҳисобланади.

Юқори ҳосил олиш кўп жиҳатдан уруғликнинг сифатига боғлиқ. Экиш учун соғлом, экилаётган навга хос шаклга эга бўлган 30 граммдан 80 граммгача катталиқдаги туганаклар саралаб олинади. Йирик туганаклар кесилгач, ҳар бир тоннасига чириш ва касалланмаслик учун 5-6 килограмм ТМТД порошогини 100 л сувда аралаштириб ивитиб экиш энг яхши натижа беради.

Тажрибаларнинг кўрсатишича, уруғлик туганакларни экиш олдида 100 л сувда 5-6 килограмм ТМТД билан бирга 2,0 грамм қаҳрабо кислотаси, 50-100 граммдан бор кислота, марганец сульфат, мис купороси ҳамда 4 килограмм аммофос қўшиб ивитиб экилса, ҳосилдорлик 11-20 % га ошиши аниқланган.

Уруғлик туганаклар экиш олдида кесилади. Лекин, уларни кузда (ноябрь ойида) кесиб қўйиш ҳам мумкин. Бунда кесилган туганаклар дарҳол 12-15 кун давомида 12-20⁰С ҳароратда ҳамда сернам (80 %) қоронғи жойда сақланади. Натижада нам йўқолмай, ичига микроорганизмлар киришидан сақлайдиган пробка қават ҳосил қилади.

5-жадвал. Плёнка остида экилган эртаги картошка навлари ерни тайёрлаш ҳамда экиш қулай муддатларида ўстиришнинг ҳосилдорлик ва иқтисодий самарадорликка таъсири (2005-2006 йиллар)

№ т/р	Ерни тайёрлаш	Экиш муддати	Мульчалош	Ҳосилдорлик, т/га	Бир гектарга қилинган харажатлар, минг сўм	1 ц картошка таннари, сўм	1 гектардан олинган соф даромад, минг сўм	Рентабеллик, %
Ўргатезпишар Сантэ нави								
1.	Кузда шудгор + баҳорда чизель, борона, жўяк олиш (ст.)	10-13.02	Мульчасиз (ст.)	22,0	706.1	3209	173.9	24,6
2.	-/-/-	-/-/-	Плёнка (чигит)	25,8	808.6	3134	223.4	27,6

3.	-/-/-	12-15.03	Мульчасиз (ст.)	17,6	662.0	3761	42.0	6,3
4.	-/-/-	-/-/-	Плётка (чигит)	21,7	767.6	3537	100.4	13,1
5.	Кузда шудгор + кузда Доминатор фрезали-культиватор билан ишлаш, жўяк олиш	10-13.02	Мульчасиз (ст.)	25,7	743.0	2891	285.0	38,4
6.	-/-/-	-/-/-	Плётка (чигит)	29,4	844.6	2873	331.4	39,2
7.	-/-/-	12-15.03	Мульчасиз (ст.)	20,2	698.1	3456	109.9	15,7
8.	-/-/-	-/-/-	Плётка (чигит)	24,6	796.5	3238	187.5	23,5
Тезпишар Кувонч-16/56м нави								
9.	Кузда шудгор + баҳорда чизель, борона, жўяк олиш (ст.)	10-13.02	Мульчасиз (ст.)	19,5	703.6	3608	76.4	10,9
10.	-/-/-	-/-/-	Плётка (калин)	24,3	823.2	3388	148.8	18,1
11.	-/-/-	12-15.03	Мульчасиз (ст.)	17,3	676.6	3911	15.4	0,2
12.	-/-/-	-/-/-	Плётка (калин)	20,5	755.1	3683	64.9	0,9
13.	Кузда шудгор + кузда Доминатор фрезали-культиватор билан ишлаш, жўяк олиш	10-13.02	Мульчасиз (ст.)	24,1	727.0	3017	237.0	32,6
14.	-/-/-	-/-/-	Плётка (калин)	28,3	833.5	2945	298.5	35,8
15.	-/-/-	12-15.03	Мульчасиз (ст.)	19,8	684.0	3455	108.0	15,8
16.	-/-/-	-/-/-	Плётка (калин)	24,5	796.0	3249	184.0	23,1

Экиш олдида уруғлик туганакларни нишлатиш, экиш усули ва муддати. Юқоридаги тартибда уруғлик туганаклар тайёрлангач, экиш олдида 20-25 кун давомида ёруғ ҳам иссиқ (12-15 даражали) хоналарда 2-3 қатлам қалинликда ёйилиб нишлатилади. Натижада яшил, бақувват 0,5-1,0 сантиметр узунликдаги ўсимталар ҳосил қилади. Уруғликни ана шундай нишлатиб экиш мўл ҳосил олишга қаратилган муҳим тадбир бўлиб, натижада картошка ҳосили 18-25 фоизгача ошиб, 10-12 кун эрта пишиб етилади. Шунга қарамасдан бу тадбир картошка етиштирувчи хўжаликларда ҳар йили етарли даражада ўтказилмайди. Нишлатилган туганаклар ўсимтаси синмаслик учун далаларга қаттиқ идишларга (яшик ва саватларга) солиб юборилади.

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулоти эртаги картошка билан таъминлашнинг омилларидан бири экиш муддати ҳисобланади.

Тажрибаларнинг кўрсатишича, тезпишар картошка навлари эртаги муддатда тупроқ 10 сантиметр қатлам ҳарорати 6-7 даражага кўтарилгач экилгани маъқул.

Бу муддат республикамиз текислик зонасида жойлашган хўжаликларда 10 февралдан 15 мартгача, тоғолди минтақаларда эса 10-25 мартларгача тўғри келади.

Картошка бундан кеч экилганда қиш ва баҳорда тупроқда тўпланган намдан яхши фойдалана олмайди. Шу туфайли унинг кўклуб кетиши қийинлашади, экин суст ривожланади, туганакларнинг пайдо бўлиши ёзнинг иссиқ палласига чўзилиб кетади. Эртаги картошкани экиш эрта баҳорда қишлоқ хўжалик техникалари далага кириш мумкин куниёқ бошлаш талаб қилинади. Эртаги картошка экиш кечиктирилган ҳар бир баҳорнинг куни-ҳосилдорликни бир фоиз камайтишига олиб келади.

Эртаги картошка ҳосилдорлиги кўп жиҳатдан унинг туп қалинлигига ҳам боғлиқ. Эртаги муддатда экилган картошканинг ўсув даври бир мунча қисқа бўлганлиги учун тезпишар навларнинг биологик хусусиятларига кўра, унинг палаги кучли ўсмайди

Шуни ҳисобга олиб, уни қалинроқ эккан маъқул. Шунда бир гектар майдондаги ўсимликлар сони ортибгина қолмай, балки пайкалнинг иқлим шароити яхшиланиб, тупроқ ортиқча қизиб кетмайди, ҳарорат пасайиб, ўсимлик атрофида ҳавонинг намлиги ошади. Бу экиннинг ўсиши, ривожланиши, туганак пайдо бўлиши ва етилиши, ниҳоят ҳосилдорликнинг ортишига фойдали таъсир этади.

Шунинг учун ҳар гектар майдонда 57 мингтадан 71 мингтагача кўчат бўлгани ёки 70х20-25 сантиметр схемада, яъни қатор ораси 70 сантиметр, туганаклар ораси 20-25 сантиметр қилиб экилгани мақсадга мувофиқ. Бунинг учун ҳар гектарга 3,0-3,5 тонна уруғлик туганаклар экилиши, экиладиган туганакларнинг вазни эса 30-80 грамм бўлиши лозим.

Эртаги картошкани юқорида қайд этилган муддат, экиш схемаси ва чуқурликда вазни 30-80 граммлик нишлатилган уруғлик туганакларни экиш учун Беларусь ёки МТЗ-50 тракторига осиб СН-4Б маркали тўрт қаторли картошка ўтказувчи сажалкадан фойдаланилади. Ушбу сажалка ёрдамида трактор юриш тезлигини ўзгартириш билан исталган туп сонини таъминлаш мумкин.

Экиш билан биргаликда йиллик азотли ўғит нормасининг 20 фоизи, фосфорли ўғитларнинг қолган ҳамма нормаси солинади. Юқорида кўрсатилган сажалка бўлмаган хўжаликларда картошкани турли культиваторлар ёрдамида қатор орасини 70 сантиметр қилиб, 8-10 сантиметр чуқурликда чизиб, қўлда туганакларни эгат ичига қўйиб, яна культиватор (оқучник) ёрдамида уни пуштадан 10-2 сантиметр чуқурликда юритиб, уруғлик картошкани кўмиш мумкин.

Эртаги картошкадан барвақт ҳосил етиштиришда пушта олиб устига экиш энг истиқболли усул ҳисобланади. Бунинг учун қатор оралари 70 ёки 90 сантиметр қилиниб, 18-25 сантиметр чуқурликда эгатлар кузда ёки эрта баҳорда олинади. Сўнгра пуштага февраль ойи ва март ойи биринчи ўн кунлигида нишлатилган ёки юқорида таъкидланган ўстирувчи моддалар эритмасида ивитилган туганаклар 6-сантиметр чуқурликда экилади. Экиш билан дарҳол чириган ва эланган гўнг ёки ёруғлик ўтказувчи полиэтилен плёнкаси ёрдамида мульчалош иссиқлик ва намлик режимини тартибга солиб, барвақт ва қийғос кўчатлар олишни, ҳосил тўплашни тезлаштиради.

Экинни парвариш қилиш. Эртаги картошка одатда 20-25 кундан кейин кўкариб чиқади. Бу вақт ичида экинни бегона ўт босиб кетади, баҳорги ёғингарчиликлар туфайли тупроқ зичлашиб қатқалоқлашади. Натижада энди уна бошлаган уруғлик туганак ётган тупроқнинг ҳаво ва иссиқлик режими ёмонлашади. Бунга йўл қўймаслик учун эртаги картошканинг биринчи ва асосий парвариши униб чиққунгача ерни 1-2 марта бороналош ҳисобланади.

Картошка БС-2, БСН-4 маркали тўрсимон бороналар ёки зиг-заг борона ёрдамида кўндалангига ишланади. Бу билан тупроқнинг ҳаво ва сув режими яхшиланади, майсаларнинг қийғос униб чиқиши учун қулай шароит таъминланади, қатқалоқ ва бегона ўсимликлар анча йўқотилади.

Майсалар униб чиққунча қатор оралари тўрсимон борона осилган культиватор билан 1-2 марта ишлов берилса ҳам, ҳосил 12-15 фоизгача ошади. Бунда бир вақтнинг ўзида экин қатор оралари ва эгатлар юмшатилиб, ёппасига ишланади. Тўрсимон борона жуда енгил, унинг тишлари бири-бирига шарнир усулида бириктирилган бўлади. Шу боисдан бороналаётганда эгатни сира бузмайди, уруғлик ва уна бошлаган майсаларни шикастламайди, у эгат марзасини 5-7 сантиметр чуқурликда юмшатади. Эртаги картошка экилган ер 10-12 кундан кейин боронланади ва культивация қилинади, кейинчалик бу иш яна 10-12 кундан кейин такрорланиши мумкин. Майсалар тўлиқ кўкариб чиққандан кейин бороналаш тўхтатилиб, қатор оралари биринчи марта 12-14 сантиметр чуқурликда, кейинги марталарида эса 14-16 сантиметр чуқурликда культивация қилинади.

Картошка ҳосил тўплашга тўла киргунча, ҳар галги суғоришдан ёки ёғингарчиликдан сўнг, культивация қилиб турилади.

Озиқлантириш. Эртаги картошка ўсув даврида азотли ва фосфорли ўғитлар билан озиқлантириш ҳосил товарлигини ошириб, сифатини анча яхшилайти. Лекин, шуни ҳисобга олиш керакки, эртаги картошка азотли ўғитлар билан кўп нормада озиқлантирилса, ҳосилдорлик ошади-ю, айти вақтда палаклар ғовлаб, ўсимликнинг ер устки қисми кучли ўсиб, ўсув даври узаяди, туганаклар пишиши кечикади. Бундан ташқари крахмал миқдори туганакда камайиб, унинг сақланувчанлиги ёмонлашади.

Фосфорли ўғитлар эса, аксинча, илдизларнинг ривожланишига қулай шароит яратади, туганакларнинг тез етилишига ҳамда крахмал тўпланишига анча ёрдам беради.

Эртаги картошка ўсув даврида икки марта озиқлантирилади. Биринчи марта (кўкариб чиққанда) биринчи культивация билан культиватор-озиқлантиргичлар воситасида 130-150 килограмм аммоний селитраси ёки мочевина, ҳамда 120-130 килограмм аммофос (агар экишда берилмаган бўлса) билан озиқлантирилади. Иккинчи озиқлантириш тўла ғунчалашда 230-250 килограмм аммоний селитраси ёки мочевина солиш билан ўтказилади. Озиқлантиришда азотли ўғитларнинг аммоний сульфат формасини қўллаш мочевина ёки аммоний селитрасига нисбатан анча самарали бўлиб, эртаги картошка ҳосил миқдори ва сифатига сезиларли таъсир этади.

Эртаги картошкани парвариш қилишда, қатор орасини ишлашда, озиқлантиришда Т-40, Т-28Х4 тракторларига осиб ишлатиладиган КОН-2,8А, КОН-2.8ПМ, КРН-2,8 маркали культиватор озиқлантиргичлардан фойдаланилади.

Суғориш. Эртаги картошка экилгандан униб чиқишгача ёғингарчиликлар туфайли намлик етарли бўлгани учун қўшимча суғоришни, талаб этмайди. Униб чиққандан гуллашгача 1-2 марта суғорилади. Гуллашдан пишишгача эса 4-6 марта суғорилади ва тупроқ намлиги 75-85 % да сақланади. Суғориш орасидаги давр дастлабки суғориш вақтларида, кун салқин бўлгани учун ҳар 8-10 кунда, кейинчалик эса ҳар 6-7 кунда намиқтириб суғориб турилади.

Эртаги картошкани хўжаликларда қўлланилиб келинаётган 5 марта 0-1-4 суғориш схемасига нисбатан 8 марта 1-2-5 схемада суғориш ҳосилдорликни 24-27 фоизгача оширади (7-жадвал).

Умуман, эртаги картошкани ўсув даврида суғориш режими (сони, нормаси ва суғориш схемалари) иқлим ва об-ҳаво шароитига, ер ости сизот сувларининг чуқурлигига, тупроқ унумдорлигига, экиш муддати ва бошқа омилларга боғлиқ.

Картошка пайкалларидаги ўсимликларни сув билан бир хил текис таъминлаш кўп жиҳатдан суғориш технологиясига, яъни эгатларининг узунлиги ва чуқурлигига ҳамда улардаги сув оқимининг тезлигига боғлиқ. Тажрибаларимизнинг кўрсатишича, даланинг нишаблигига қараб, суғориш эгатларининг узунлиги 90-120 м қилиб ўқ ариқлар олиниши лозим. Эгатлар чуқурлиги эса 18-20 сантиметр, улардаги сув оқими эса 0,10-0,15 литр секунддан ошмаслиги лозим. Шу тартибда суғориш гектаридан 220 центнердан ошириб сифатли эртаги товар ҳосил олишни таъминлайди (6-жадвал). Охирги суғориш ҳосилни йиғиштиришга 5-7 кун қолганда тўхтатилади.

6- жадвал. Эртаги картошка Зарафшон навини суғориш технологияси элементларининг ҳосилдорликка таъсири (эгат чуқурлиги-20 см)

№	Тажриба вариантлари		Ҳосилдорлик, ц/га	Шу жумладан товар ҳосил		Бир гектардан олинадиган туганаклар сони, минг дона	
	Суғориш эгатлари узунлиги, м	Эгатдаги сув оқими, л/сек.		ц/га	%	жами	Уруғлик
1	180	0,30	231,2	213,2	92,2	597,5	312,3
2	-/-/-	0,20	235,0	217,6	92,6	631,5	373,5
3	-/-/-	0,15	219,8	201,3	91,6	611,1	339,5
4	-/-/-	0,10	198,7	181,0	91,1	570,4	305,6
5	120	0,30	225,2	209,7	93,1	631,5	346,3
6	-/-/-	0,20	231,7	216,9	93,6	638,3	373,5
7	-/-/-	0,15	236,1	222,2	94,1	672,2	400,6
8	-/-/-	0,10	214,1	199,1	93,0	631,5	339,5
9	60	0,30	217,0	201,4	92,8	658,6	353,1
10	-/-/-	0,20	220,7	205,5	93,1	679,0	359,9
11	-/-/-	0,15	223,0	209,4	93,9	692,6	380,2
12	-/-/-	0,10	237,1	223,4	94,2	706,2	407,4

Колорадо қўнғизи ва унга қарши курашиш. Кейинги йилларда картошка пайкалларида бу зараркунанданинг кенг тарқалганлиги барча хўжаликларда етиштирилган ҳосилга сезиларли зарар келтирмоқда.

Унга қарши курашда: агротехник чоралар чидамли навлар (Белорусский ранний, Детскосельский, Огонёк, Зарафшон, Невский, Гатчинский, Темп,

Бардошли-3 кабилар) экиш, шудгорни сифатли ўтказиш, ўтмишдош экинни тўғри танлаш, ўғитлаш, озиқлантиришнинг илмий системасига амал қилиш, қатор ораларини ўз вақтида юмшатиб туриш, суғоришни кечиктирмаслик, эрта экиш (айниқса эртаги картошка колорадо қўнғизи чиққунча пишиб улгуради), палакни ҳосил қовлаш олдида ўриб ташлаш кабилар киради. Кимёвий усулда эса амбуш (0,2 л/га), цимбуш (0,2 л/га), децис (0,3 л/га), каратэ (0,6 л/га), Фьюре (0,15-0,2 л/га), Регент (0,02-0,03 кг/га), Адонис (0,12-0,15 л/га), Моспиан (0,020-0,025 кг/га) ва бошқа препаратлар қўнғизлар тупрокдан қишлаб чиқиши биланоқ 400-500 л ишчи эритма тайёрланиб пуркагичлар ёрдамида сепилади. Зарур бўлса 2-2,5 ҳафтадан сўнг қайта дорилаш ўтказилади. Ҳосилни йиғиштиришга 20-30 кун қолганда кимёвий препаратлар билан қарши курашиш тўхтатилади.

Йиғиш. Пишиб етилган эртаги картошка палаклари сарғаяди ва туганакларида қаттиқ, сидирилмайдиган пўст ҳосил бўлади. Эртаги картошка асосан июнь-июль ойларида пишиб етилади. Ҳосилни эрта ёки кеч йиғиштириш уни миқдори ва сифатига салбий таъсир этади.

Кеч йиғиштириб олинганда, туганаклар сўлиб вазнини йўқотади, офтоб уриб чириydi, турли ҳашаротлар зарарлайди.

Шунинг учун эртаги картошкани ўз вақтида йиғиштириб олишни ташкил қилиш керак. Шу билан суғориладиган ердан такрор самарали фойдаланишга имкон яратилади. Картошка ҳосилини йиғиштириб олиш учун турли элеватор типдаги икки қаторли картошка қовловчи машиналар (КТН-1А, КТН-2, КТН-2А ва ҳ.к.) қўлланилади. Қовлаш олди картошканинг сарғайган палаги тракторга тиркаб ишлатиладиган пичан ўриш машиналари (КИР-1,5А) ёрдамида йиғиштириб олинади. Қовлаб олинган картошка ҳосили тегишли жойларга жўнатилиши лозим.

4.Эртаги картошка етиштириш технологик харитаси

Т/р	Ишнинг	Агрегат таркиби	Ишнинг
-----	--------	-----------------	--------

	Номи	сифат кўрсаткичлари	трактор-автомашин а типи	машина ва курол маркаси	бажарилиш муддати
1.	Далани шудгор ва картошка экишдан олдин пайкалчаларга (делянкаларга) ажратиш				
2.	Ўтмишдош экин-кузги буғдой сомонидан тозалаш ва суғориш		-	-	Ноябрь
3.	Ўғитлаш	20 т/га гўнг ва N ₁₀₀ P ₈₀ K ₅₀ N ₂₀₀ P ₁₆₀ K ₁₀₀ меъёрларда	-	-	Ноябрь
4.	Ер ҳайдаш	28-30 см чуқурликда	ДТ-75 м	ПН-4-35	Ноябрь
5.	Чизеллаш ва бороналаш	18-20 см чуқурликда, кесаксиз	ДТ-75 м	ЧКУ-4-1	3-5.03.
6.	Молалаш	Текис	ДТ-75 м	ВП-8	3-5.03.
7.	Уруғлик туганакларни экишга тайёрлаш	Экишдан 15-20 кун олдин ёруғ, 12-15 °С ли хоналарда нишлатиш	-	-	15.02-5.03.
8.	Далани тажриба схемаси бўйича делянкаларга ажратиб, экиш учун жўяклар олиш	70 см кенгликда, бир хил чуқурликда	МТЗ-80	СН-4Б-2	7-9.03.
9.	Экиш	Қўлда 70х30 ва 70х20 см схемаларда 6-7 см чуқурликда	-	-	10.03.
10.	Культивация	4 марта 10-12 см чуқурликда	Т-28х4	КОН-2,8А	04, 05, 06.
11.	Чопик	Қўлда	-	-	04, 05, 06.
12.	Озиқлантириш	Азотли ўғитлар билан униб чиқиш ва гуллаш олдиан	Т-28х4	КОН-2,8А	04, 05.
13.	Суғориш	1-1-5 (6) схемада гектарига 500-700 м ³ сув меъёрида	-	-	04, 05, 06.
14.	Колорадо қўнғизига қарши курашиш	Моспиан 20-25 грамм 400-500 л сувда	Т-28х4	ОВХ-28	05.
15.	Ҳосилни йиғиш	Қўлда палак сарғайиб, пастги барглар қуригач	-	-	01.07.
16.	Уруғлик туганакларни саралаш, чиниқтириш	Ёруғ, соя жойда 12-15 кун давомида сақлаш	-	-	1-15.07

5.Картошкачиликнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш имкониятлари

Охирги йилларда картошка ишлаб чиқариш ва сотишни эркин амалга ошириш, ҳосилдорликни ошириш имкониятларидан фойдаланиш натижасида тармоқнинг рентабеллик даражаси кўпчилик, айниқса шаҳарлар атрофида жойлашган корхоналарда, бозор иқтисодиёти қонунлари талабларига мос равишда ошиб бормоқда. Бу ютуққа одатда эркин ва шартнома баҳоларининг

кўтарилиши ҳисобига эришилмоқда. Аммо кўпчилик ширкат ва фермер хўжаликларида 1ц картошка ўртача тўлиқ таннархининг кўтарилиши кузатилмоқда. Бундай ҳол асосан жаҳон бозоридан сотиб олинadиган уруғлар баҳоларининг кескин ошиши ҳисобига содир бўлмоқда. Бундан ташқари картошкани экиш, қатор орасини юмшатиш, ҳосилни йиғиб олиш ва бошқа жараёнлар қўл билан ишлатиладиган воситалар билан бажарилмоқда. Натижада тармоқда меҳнат унумдорлиги паст даражада қолмоқда. Картошканинг таннархи касалликлар ва зараркунандаларга қарши курашга сарфланадиган харажатлар ҳисобига ҳам ошмоқда .

Охириги йилларда Колородо қўнғизининг картошка пайкалларида кенг тарқалиши натижасида ҳосилдорлик пасаймоқда ва унинг сифати ёмонлашмоқда. Зараркунандага қарши қиммат баҳоли химикатлардан фойдаланиш кутилган натижаларни бермаётир.

Юқори ва сифатли ҳосил олиш ҳамда арзон картошка ишлаб чиқариш учун қуйидаги имкониятлардан фойдаланишга алоҳида этибор бериш лозим:

- Енгил қумоқли механик таркибига эга ўтлоқ, ўтлоқ–бўз тупроқларда, дарё ёнбағри участкаларида, тоғли ва тоғолди зоналарда яхши ўсиб, юқори ҳосил берадиган навларни экиш;

- Сувга талабчанлигини ҳисобга олиб 400-500 м.куб ҳажмида 7-8 марта суғориш, уни асосан кечаси амалга оширишга эришиш;

- Бундай ерларга гектарига 30-40 тонна ярим чириган гўнг, 250-300 кг аммофос ва 160-200 кг калий сульфат ёки калий тузи солиниб, 30см чуқурликда ҳайдалишини таъминлаш;

- Ўсув даври 69-70 кунда тезпишар ва ўртапишар навлар (Зарафшон, САНТЭ, Ромона, Марфона ва бошқалар)ни экиш;

- Баҳорда ҳамда кузда экиладиган уруғларни экиш олдидан 100 л сувда 5-6 кг ТМТД билан бирга 2 грамм каҳрабо кислотаси ҳамда 4 кг аммофос қўшиб ивитиб экиш ҳисобига ҳосилдорликни 11-16 фоизгача ошириш;

- Ҳар гектарга 3-3,5 тонна уруғлик туганаклар экилишига, экиладиган туганакларнинг вазни эса 30-80 грамм бўлишига, уларни тупроқнинг 6-7 см

чукурлигига экиш, қотқолоқни тез ёриб қисқа муддатда тўла кўчат олиш имкониятига эга бўлиш.

-Энг прогрессив усул ҳисобланган уруғни пушта устига экишни жорий қилиш;

-Уруғликнинг асосий қисмини уруғликка ихтисослашган хўжаликларда тайёрлаш ва уни замонавий омборларда сақлаш;

-Картошка ишлаб чиқаришда оила пудрати асосида пул ва натура шаклида гарантияланган меҳнат ҳақини жорий этиш;

-Товар маҳсулотларни эркин, ва шартнома, яъни бозор иқтисодиётининг қиймат, талаб ва таклиф қонунлари талаблари асосида ташкил топган баҳоларда сотиш ва ҳ.к.

Тажрибаларда картошка маҳсулотни етиштириш учун қилинган жами харажатлар ҳар бир вариант учун сарфланадиган уруғлик қиймати, ўғитлар, ёқилғи ва мойлаш материаллари, иш ҳақи ҳосилни етиштириш ва йиғиштириш учун қилинган ҳамма харажатлар йиғиндиси орқали аниқланди. Маҳсулотнинг таннархи жами харажатларнинг ҳосилдорликка нисбати орқали аниқланди. Картошка етиштириш учун қилинган жами харажатлар навлар ва тажрибалар вариантлари бўйича гектарига 460,5 – 556,9 минг сўмни ташкил қилди. Етиштирилган маҳсулотнинг энг юқори қиймати (1848 минг сўм) картошканинг Сантэ навини март ойининг биринчи декадасида 90x20 схемада экилган вариантда олинди. Бу вариантда энг паст маҳсулот таннархи (1750 сўм/ц), энг кўп соф фойда (1309 минг сўм/га) олинганлиги учун ҳам энг юқори рентабеллик даражасига (242,8%) эришилди.

Картошканинг Зарафшон навида ҳам шу муддатда 90x20 см схемада етиштирилганда энг юқори кўрсаткичга эришилди. Яъни бу вариантда сотилган жами ҳосил қиймати гектаридан 1590 минг сўмни, маҳсулотнинг қиймати 1950 сўмни ташкил қилгани учун гектаридан 1073 минг сўм соф фойда олиниб, рентабеллик даражаси 207,5% га етди. (4- жадвал)

Картошканинг Зарафшон навини март ойининг биринчи декадасида 90x15 см экилган вариантда рентабеллик даражаси 163,6%, Сантэ навида

183,3% ни ташкил этган бўлса, шу муддатда 90x25 см схемада етиштирилганда бу кўрсаткичлар шунга мувофиқ равишда 170,0 ва 226,8% ни ташкил қилди.

Бундай юқори кўрсаткич асосан шу вариантлардан олинган юқори ҳосилдорлик билан боғлиқ. Март ойининг иккинчи ва учинчи декадаларида экилган вариантларда ҳосилдорликнинг пастлиги иқтисодий самарадорликнинг пасайишига олиб келди. Масалан, март ойининг иккинчи декадасида 90x15 см схемада етиштириш Зарафшон навида рентабеллик даражасини 137,7 % бўлишини таъминлаган бўлса, учинчи экиш муддатида ҳосилдорликнинг пастлиги (18,7 т/га) 121,4 % рентабеллик даражасини таъминлади. Бу навни шу муддатда 90x25 см схемада экиш энг паст ҳосилдорлик (16,2т/га) ва шунга мувофиқ равишда паст рентабеллик даражасини (111,1%) таъминлади.

Картошканинг Сантэ навини март ойининг учинчи декадасида 90x15 схемада экиб етиштириш ҳам экиш муддатлари ва схемалари бўйича ўтказилган тажрибалардаги энг паст (136,9%) рентабеллик даражасини таъминлади.

Хулоса қилиб айтганда, картошканинг Зарафшон ва Сантэ навларини баҳорда март ойининг биринчи декадасида энг юқори ҳосилдорлик 90x20 см схемада етиштирилган вариантларда олинганлиги учун ҳам кўп соф фойда (1073-1309 минг сўм/га) ва юқори (207,5-242,8 %) рентабеллик даражасини таъминлайди.

Уруғлик туганакларни экиш муддатлари ва схемаларининг уруғлик картошка етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигига таъсири

(Д.Нормуродов маълумотлари)

Тажриба вариантлари		Ҳосилдорлик, т/га	Жами ҳаражатлар, минг сўм/га	1 ц маҳсулот таннархи, сўм	Сотилган маҳсулот қиймати, минг сўм/га	Соф фойда, сўм/га	Рентабеллик даражаси, %
экиш муддати, март ойи декадаси	экиш схемаси, см						
Зарафшон нави							
I	90 x 15	24,1	548,6	2276	1446	897,4	163,6
	90 x 20	26,5	517,0	1950	1590	1073,0	207,5
	90 x 25	22,3	495,5	2222	1338	842,5	170,0
II	90 x 15	21,2	535,2	2524	1272	736,8	137,7
	90 x 20	23,7	508,4	2145	1422	913,6	179,7
	90 x 25	19,1	487,0	2550	1146	659,0	135,3
III	90 x 15	18,7	506,7	2709	1122	615,3	121,4
	90 x 20	20,9	478,6	2289	1254	775,4	162,0
	90 x 25	16,2	460,5	2842	972	511,5	111,1
Сантэ нави							
I	90 x 15	26,3	556,9	2117	1578	1021,1	183,3
	90 x 20	30,8	539,0	1750	1848	1309,0	242,8
	90 x 25	28,5	523,5	1837	1710	1186,5	226,8
II	90 x 15	24,3	549,5	2261	1458	908,5	165,3
	90 x 20	28,2	534,3	1894	1692	1157,7	216,6
	90 x 25	26,4	510,2	1932	1584	1073,8	210,3
III	90 x 15	21,3	539,4	2532	1278	738,6	136,9
	90 x 20	25,0	530,6	2122	1500	969,4	182,6
	90 x 25	23,2	506,0	2181	1392	886,0	175,1

5.1. Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда иқтисодий самарадорликни аниқлашда объектив иқтисодий қонунларни моддий ишлаб чиқаришнинг шу тармоғида кўриниш шакллари ифодаладиган кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш тавсия этилади. Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлар тизимининг амалий аҳамияти, ишлаб чиқариш ресурслар самарадорлигини умумлашган ҳолда акс эттиришдан, унинг мезонининг мутлоқ ва нисбий кўрсаткичларини ҳисоблаш усулларидан фойдаланишни тақозо этади.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини баҳолаш учун фойдаланиладиган кўрсаткичлар тизимига асослаш, турли характерда иқтисодий самарани ўлчаш ҳамда турли характердаги ресурслар ва харажатларни ўлчаш сифатида ҳам зарурдир. Улар ўзининг иқтисодий табиати билан ҳам ва ҳар доим ҳам таққослаб бўлмаслиги билан ҳам фарқ қилади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари хусусий ва умумлаштирувчи кўрсаткичларга бўлинади. Хусусий кўрсаткичларга, маҳсулот ҳажми ва маҳсулот сифати, меҳнат унумдорлиги, ер қайтими, фонд қайтими, материал қайтими, маҳсулот таннарни ва шуларга тескари кўрсаткичлар киради. Бу кўрсаткичлар натижа сифатида, саноатнинг хом-ашёга, аҳолининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини анча тўлароқ қондиришга йўналтирилган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг мақсадини анча тўлароқ акс эттиради. Шунини таъкидлаш лозимки, умумий самара фақат ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг миқдори билан эмас, балки қўйилган мақсадга боғлиқ ҳолда, бошқа ҳажм кўрсаткичларга ҳам эга. Масалан: ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш самарасини бош вазифа-истеъмол қиймат яратиш нуқтаи назардан; товар маҳсулот-қишлоқ хўжалик маҳсулотларига ижтимоий эҳтиёжни қондириш нуқтаи назаридан; соф маҳсулот(ялпи даромад) - тақрор ишлаб чиқаришнинг икки томони – истеъмол ва жамғариш - бирлигида ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳисоблаш учун; фойда ва соф даромад - ишлаб чиқариш самарадорлигини ишлаб чиқарувчиларнинг

истеъмол қийматга бўлган манфаатини қондириш нуқтаи назаридан характерланади.

Шу билан бирга, кишиларнинг истеъмолини қондириш даражаси ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг фақат миқдorigа эмас, балки сифатига ҳам боғлиқ. Маҳсулот сифатини яхшилаш бир томондан озиқ-овқат маҳсулотлари миқдорининг кўпайганлигини билдирса, енгил саноат учун қишлоқ хўжалик хом-ашёсининг сифатининг яхшиланиши аҳолининг кенг истеъмол буюмларига бўлган талабини тўлароқ қондиришга имконият яратади.

Меҳнат унумдорлиги ёки меҳнат қайтими маълум вақт бирлиги ичида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдorigа сарфланган жами меҳнат харажатларининг самарадорлигини характерлайди. Ер қайтими қишлоқ хўжалигида бош ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланган ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини акс эттиради. Фонд қайтими қишлоқ хўжалигига таалуқли асосий ишлаб чиқариш воситаларида мужассамлашган, буюмлашган меҳнат харажатлардан қай даражада самарали фойдаланаётганлигини кўрсатади. Материал қайтими барча турдаги моддий ресурслардан, шу жумладан буюмлашган меҳнат харажатларидан фойдаланиш самарадорлигини акс эттиради. Маҳсулот бирлиги таннарни умумлашган ҳолатда жами истеъмол қилинган ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини характерлайди, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти қандай даражадаги харажатлар ҳисобига ишлаб чиқарилганлигини кўрсатади.

Алоҳида ресурслар ва харажатлардан фойдаланишни характерлайдиган бу кўрсаткичлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши абсолют самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари. Масалан: асосий фонд қайтимида, алоҳида трактор, комбайн, маҳсулдор ҳайвонлар ва бошқа; айланма фонд қайтимида, алоҳида уруғдан фойдаланиш, ем-хашак, ёқилғи-мойлаш материалларидан фойдаланиш бўйича ҳам ўрганилади. Демак, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари бир томондан ишлаб чиқариш ресурслари ва самара(натижа) ўртасидаги нисбатни

ва бошқа томондан, жорий ишлаб чиқариш харажатлари билан самара ўртасидаги нисбат ифодалайди, бу ишлаб чиқариш самарадорлигининг иккита концепциясини – ресурс ва харажат - вужудга келтиради. Ресурс концепцияси - такрор ишлаб чиқариш жараёнида қўлланилган ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини, харажатлар концепцияси - шу ресурсларнинг истеъмол қилинган қисми самарадорлигини баҳолашга имкон беради. Мақсадга қараб ресурс ёки харажатлар концепцияси ёки икковидан ҳам бир вақтда фойдаланилиниш мумкин.

Қабул қилинган самарадорликни концепциясларига мос равишда кўрсаткичлари ҳам аниқланади:

1 та ходимга, 1 киши/соатига, 1 га қишлоқ хўжалик яроқли ерга, 100 сўмлик асосий воситага, 100 сўмлик оборот воситаларига тўғри келган самара қўлланилган ресурслардан фойдаланишни самарадорлигини характерлайди. 100 сўм иш ҳақиға, амортизация ажратмасига, моддий айланув воситаларига ҳамда маҳсулот таннархига тўғри келган маҳсулот таннархга киритилган барча бевосита ва билвосита харажатлари самарадорлигини ифодалайди.

Келтирилган хусусий кўрсаткичлар, маълумки умумий самара (натижани)ни алоҳида ишлаб чиқариш ресурслари харажат тури миқдорига нисбатини аниқлайди. Лекин ишлаб чиқариш жараёнида умумий самара (натижа)нинг вужудга келишида алоҳида ресурс(харажат)лар қатнашади. Демак, ҳар бир ресурс (харажат) умумий самара (натижа)нинг вужудга келишида иштироқ этади. Бу услубий жиҳатдан маълум даражада хато бўлса ҳам, умумий самара ана шу ишлаб чиқариш ресурсларининг биргаликдаги фаолиятининг натижасидир. Шунинг учун ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ҳар томонлама ва аниқ баҳолаш учун, алоҳида усулда ҳисобланадиган кўрсаткичларни, ҳар бир ишлаб чиқариш ресурсининг умумий самарани яратишдаги ролини ва уларнинг ишлаб чиқариш пировард натижасига таъсирини ҳисобга оладиган кўрсаткичлар

билан тўлдириш лозим. Бунинг учун эластиклик, детерминация коэффицентларидан, шунингдек, иқтисодий-математик моделидан фойдаланиш керак бўлади.

Ҳисоблаш ҳар қанча мураккаб бўлса ҳам, битта умумлаштирувчи шундай кўрсаткич керакки, у қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигини миқдорий жиҳатдан тўлиқ баҳолайдиган бўлиши керак. Бу вазифани бажариш учун умумлаштирувчи кўрсаткич маълум бир қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

1. У ижтимоий ривожланишнинг иқтисодий қонунларидан келиб чиқиши керак;

2. У ишлаб чиқаришнинг пировард натижасини жами ресурслар ёки жами харажатлар билан таққослашни таъминлайдиган кўп факторли бўлиши керак;

3. Бу кўрсаткич самарадорликни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг турли даражаларида, ижара коллективларидан бошлаб бир бутун қишлоқ хўжалиги бўйича очиб беришиш керак;

4. Бу кўрсаткич билан ҳисоблаш методик нуқтаи назаридан оддий ва қулай бўлиши керак.

Юқорида баён қилинган, ишлаб чиқариш самара (натижа)си ва ишлаб чиқариш ресурс (харажат)лари тўғрисидаги асосий методологик шароитларга мос, шунингдек қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши иқтисодий самарадорлигининг умумлаштирувчи кўрсаткичга бўлган талабни ҳисобга оладиган кўрсаткич ресурс қайтими (ресурс сиғими) ҳисобланади. У қўлланилган ресурслар потециалидан фойдаланишнинг самарадорлигини характерлайди. Харажатлар концепциясининг самарадорлигининг умумлаштирувчи кўрсаткичи – рентабеллик ҳисобланади ва истеъмол қилинган ресурсларнинг қайтимини ифодалайди.

5.2. Иқтисодий самарадорликни ошириш омиллари.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлиги кўп ва турли туман омиллар ва шароитлар таъсири остида шаклланади. Қишлоқ

хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигини ошириш муаммосининг қийинлиги шундан иборатки, бу омиллар бир-биридан алоҳида мустақил ҳаракат қилмайди. Улар бир-бири билан мустаҳкам алоқада, бир-бири билан боғлиқ. Бу омилларни учта аспектда ўрганиш тавсия этилади:

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш омиллари :

I.Ресурслар ва харажатлар бўйича:

1. Меҳнат сиғими;
2. Ер сиғими;
3. Фонд сиғими;
4. Материал сиғими.

II.Вужудга келишининг асосий йўналишлари:

1. Технология;
2. Ихтисослаштириш ва концентрация;
3. Меҳнатни ташкил қилиш ва меҳнат ҳақи;
4. ФТТ ва илғор тажриба;
5. Хўжалик ҳисоби ва ижара.

III.Хўжалик юритиш даражаси бўйича:

1. Халқ хўжалиги;
2. Тармоқ;
3. Ички хўжалик.

Маълумки, соф даромад ва фойда - икки хил иқтисодий категориядир.

Агар соф даромад вужудга келган барча қўшимча маҳсулот қийматини ифодаласа, фойда - товар маҳсулотини сотишдан олинган қисминигина ифодалайди. Соф даромаднинг бир қисми баҳо ва солиқ сиёсати ва ҳар хил тўловлар орқали давлат ва маҳаллий буюджетларга бориб тушади ва умумхалққ эҳтиёжлари учун ишлатилади. Фойда - сотилган товар маҳсулотидан тушган пул маблағидан шу маҳсулотни тўла ишлаб чиқариш харажатларининг (марказлашган тўловлар ҳам шунга кирази) чиқариб ташлаш йўли билан аниқланади. Самарадорликни энг муҳим қиймат кўрсаткичлари қуйидагилар ҳисобланади:

$$1. C = \frac{ЯМ}{ИХ+Е*АФ}$$

Бу ерда: С- самарадорлик;

ЯМ- ялпи маҳсулот;

ИХ-ишлаб чиқариш харажатлари;
 Е-0,15 асосий фондлар иқтисодий самарадорлигининг меъёрий
 коэффициенти;

АФ-асосий фондлар.

$$2. C = \frac{\text{ЯД}}{\text{ИХ} + \text{Е} * \text{АФ}} \quad 3. C = \frac{\text{СД}}{\text{ИХ} + \text{Е} * \text{АФ}}$$

$$4. C = \frac{\text{Ф}}{\text{ИХ} + \text{Е} * \text{АФ}}$$

2. Меҳнат унумдорлиги:

$$1. C = \frac{\text{ЯМ}}{\text{МС ёки ХС}} \quad 2. C = \frac{\text{ЯД}}{\text{МС ёки ХС}}$$

$$3. C = \frac{\text{СД}}{\text{МС ёки ХС}}$$

МС-меҳнат сиғими; ХС-ходимлар сони.

3. Ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги бўйича
 қуйидаги кўрсаткичлар аниқланади:

$$C = \frac{\text{ЯМ}}{\text{ЭкМай}}; \quad C = \frac{\text{ЯД}}{\text{ЭкМай}}; \quad C = \frac{\text{СД}}{\text{ЭкМай}}; \quad C = \frac{\text{Ф}}{\text{ЭкМай}};$$

4. Фондлардан фойдаланиш самарадорлиги

$$\text{ФК} = \frac{\text{ЯМ}}{\text{АФ}} \quad \text{ФС} = \frac{\text{АФ}}{\text{ЯМ}}$$

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳар бир сўм харажатга ва
 қўлланилган ресурсларга кўпроқ маҳсулот ва фойда олиш демакдир. Бу эса

бутун халқ хўжалиги учун ҳам, қишлоқ хўжалиги учун ҳам катта аҳамиятга эга:

1.Маҳсулот бирлигига меҳнат ва ресурслар қанча кам сарфланса, мавжуд ресурслардан кўпроқ маҳсулот олинади ва улар арзон бўлади.

2.Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш катта иқтисодий самара беради. Агар республика бўйича меҳнат унумдорлиги 1% га оширилса, ҳисоб-китобларга қараганда бир йилда қўшимча 0,3 млрд. сўмлик ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти олинади. Шунингдек маҳсулот таннарини 1% га тушуриш ҳам тахминан 0,2 млрд. сўмлик ялпи фойда келтиради. Асосий ишлаб чиқариш фондларини самарадорлигини 1% га ошириш эса 0,6 млрд. сўмлик капитал қўйилмани камайтиради.

3.Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш самарадорлиги қишлоқ хўжалик хом ашёсидан тайёрланадиган озиқ-овқат ва кенг истеъмол буюмларига қўйиладиган баҳоларнинг даражаларига ҳам боғлиқ. Чунки харажат кам бўлса, эркин баҳолар ҳам бозорда пастроқ бўлади.

4. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш хўжаликларнинг даромадининг кўпайишга ва рентабелликнинг ошишига олиб келади. Қанча кўп сифатли ва арзон маҳсулот ишлаб чиқарилса ва сотилса, ишлаб чиқарувчиларнинг даромад кўпаяди, кўпроқ ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, меҳнат ҳақини оширишга ва маданий-маиший шароитларга маблағ ажратилади

5.3. Меҳнат унумдорлигини ошириш имкониятлари

Меҳнат унумдорлиги даражасининг ошиб бориши юқори самарали қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг зарурий шarti ҳисобланади

Меҳнат унумдорлигини оширишнинг иқтисодий моҳияти маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга кетган меҳнатни камайтириш ёки меҳнат ўзгармагани ҳолда маҳсулотни кўпайтиришдир. Ҳозирги пайтда қишлоқ хўжалигида бевосита ишларнинг 80-90 фоизи қўлда бажарилади ва унинг

унумдорлигига салбий таъсир этади. Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг халқ хўжалик аҳамияти қуйидагича:

1.У деҳқончилик ва чорвачилик ялпи маҳсулотини кўпайтиришнинг ягона манбаи ҳисобланади ва аҳолини илмий асосланган меъёрлар бўйича озиқ-овқатга бўлган талабини ва саноатнинг хом-ашёга бўлган талабини тўлароқ қондиришни таъминлайди;

2.Меҳнат унумдорлигининг ўсиши маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланадиган жонли меҳнат харажатларини қисқартиради, иш вақтини тежайди. Меҳнат унумдорлиги қанча юқори бўлса, маҳсулот бирлиги олиш учун шунча кам иш вақти кетади ва қишлоқ хўжалигида банд бўлган ходимлар сони камаяди. Бўшаган иш кучи бошқа сфераларга йўналтирилади;

3.Меҳнат унумдорлигининг ўсиши иш кунини, иш ҳафтасини, йилдаги иш соатлари миқдорини қисқартиришга шароит яратади ва бўш вақтни кўпайтиради. Қишлоқ меҳнатчиларига шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини ақлий ва жисмоний ривожлантириш, илмий-техникавий ва бадиий ижодиёт-қондириш учун бўш вақт вужудга келади;

4.Меҳнат унумдорлигининг ўсиши маҳсулот бирлиги ҳисобига меҳнат ҳақи харажатларини камайтиради. Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати меҳнат ҳақининг ўсиш суръатидан илгарилаб кетса, маҳсулот бирлигига тўғри келган меҳнат ҳақининг абсолют миқдори ва ҳиссаси пасаяди;

5.Меҳнат унумдорлигининг ўсиши моддий ресурсларда буюмлашган меҳнат харажатларини тежашга ва фойдаланиш самарадорлигини оширишга имкон беради;

6.Меҳнат унумдорлигининг ўсиши, жонли ва буюмлашган меҳнат харажатларидан самарали фойдаланиб, меҳнат ҳақи харажатларини қисқартириб ва бир бутун ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш харажатларининг рентабеллик даражасини оширишга бевосита таъсир кўрсатади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши амалиётида меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг бир қанча вариантлари бўлиши мумкин.

1.Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши меҳнат харажатларининг ўсишидан олдинга кетади;

2.Маҳсулот ишлаб чиқариш кўпаяди, меҳнат харажатлари ўзгармасдан қолади;

3.Маҳсулот ишлаб чиқариш кўпаяди, меҳнат харажатлари пасаяди;

4.Маҳсулот ишлаб чиқариш ўзгармайди, меҳнат харажатлари пасаяди;

5.Маҳсулот ишлаб чиқариш камаяди, меҳнат харажатлари ундан ҳам кўпроқ камаяди.

Меҳнат унумдорлигини ошириш учун қуйидаги омиллардан оқилона фойдаланиш зарур:

1.Сермеҳнат жараёнларни комплекс механизациялаш;

2.Машиналар тизимидан фойдаланиш;

3.Ишлаб чиқариш технологиясини қисқа муддатларда ва сифатли ўтказиш;

4.Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва йириклаштириш;

5.Меҳнат малакасини ошириш;

6.Меҳнат ташкил этишда унинг прогрессив шаклларидан фойдаланиш;

7.Ходимларнинг дам олиш, маиший ва меҳнат шароитларини яхшилаш;

8.Иқлим, тупроқ унумдорлигини яхшилаш ва ҳ.к.

5.4. Маҳсулот таннархини пасайтириш имкониятлари

Маҳсулот таннархи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши иқтисодий самарадорлигининг муҳим омили ва бир вақтнинг ўзида кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади. Ҳар қандай маҳсулот бирлигининг таннархи икки миқдор нисбатига: ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот сифатига боғлиқ бўлади. Таннарх қуйидаги ҳолларда пасайиши мумкин:

1.Агар маҳсулот ўзгармагани ҳолда, харажат миқдори камайса.

2.Агар ялпи маҳсулот миқдори кўпайиб, харажатлар ўзгармаса.

3.Агар ялпи маҳсулотининг ўсиш суръати харажатлар ўсиш суръатидан илгари кетса.

Маҳсулот таннархи омиллари қишлоқ хўжалигида турли тумандир. Уларни 3 гуруҳга бўлиш мумкин:

1.Таннархнинг 2 таркибий қисмига, яъни ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот миқдори.

2. Фақат харажат миқдори.

3. Фақат маҳсулот миқдори.

1 – гуруҳга:

а).ходимларнинг моддий манфаатдорлиги.

- б).ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялаш.
- в).ишлаб чиқариш технологиясини қисқа вақтда ва сифатли бажариш.

2 – гуруҳга:

- а).ишлаб чиқаришнинг меҳнат сиғими.
- б).ишлаб чиқаришнинг ер сиғими.
- в).ишлаб чиқаришнинг фонд сиғими.
- г).ишлаб чиқаришнинг материал сиғими.

3 – гуруҳга:

- а).қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ва ҳайвонлар маҳсулдорлиги.
- б).экин майдонлари ва пода структураси.
- в).маҳсулотни сақлаш усуллари.

5.5. Рентабелликни ошириш омиллари ва имкониятлардан оқилона фойдаланиш

Рентабелликни ошириш омиллари деганда энг аввало фойда омиллари тушунилади. Фойда омиллари 2 гуруҳга бўлинади:

1.Маҳсулот ишлаб чиқарувчига боғлиқ бўлган ва субъектив характерга эга бўлган ички омиллар.

2.Маҳсулот ишлаб чиқарувчига боғлиқ бўлмаган ва объектив характерга эга бўлган ташқи омиллар.

1.Ички омилларга сотиладиган маҳсулот миқдори, унинг сифати, ишлаб чиқариш харажатлари киради. Сотиладиган маҳсулот миқдори ялпи маҳсулот ҳажмига ва унинг товарлилик даражасига боғлиқ. Ялпи маҳсулот ҳажмининг ўсишида сотишга мўлжалланган маҳсулотнинг миқдори абсолют кўпаяди. Шунингдек, унинг ишлаб чиқариш ички истеъмолига кетадиган қисмининг ўсиши нисбий кўпаяди. Ялпи маҳсулотнинг ана шу ички истеъмолга кетадиган қисми ўсиш суръатининг пасайиши товарлилик даражасининг ошишига ва шу асосда пул тушумининг кўпайишига шароит яратади. Юқори сифатли маҳсулот анча юқори сотиш баҳосини таъминлагани учун, маҳсулот сифати пул тушуми орқали фойда миқдorigа таъсир кўрсатади.

Пул тушуми миқдори маҳсулотни сотиш муддатларига, сотиш бозорига ва унинг таркибига боғлиқ. Бундан ташқари пул тушуми сотиш каналларига

ҳам боғлиқ. Унинг давлатгами, матлубот кооперациясигами ёки бозоргами сотилиши ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Фойданинг муҳим омилларидан бири маҳсулот таннархидир. Ишлаб чиқариш харажатларининг пасайиши ёки ошиши фойда миқдorigа анча сезиларли таъсир кўрсатади.

2.Ташқи омилларга маҳсулотни ишлаб чиқарувчилар таклифи ва улар ўртасидаги рақобат, маҳсулотга бўлган бозор талаби кабилар киради. У ёки бу маҳсулотга юқори ёки паст талаб, шунингдек рақобатчиларнинг мавжудлиги ёки қатнашмаслиги, сотиладиган маҳсулот миқдorigа, баҳо даражасига ва пировард натижада фойда миқдorigа таъсир қилади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг рентабеллиги омиллари экстенсив ва интенсив характерга эга. Экстенсив омиллар – бу рентабелликка сотилаётган маҳсулотнинг миқдorigадаги ўзгаришлар орқали таъсир кўрсатувчи омиллардир. Интенсив омиллар – сотиш баҳоларининг ўсиши ва маҳсулот таннархининг пасайиши орқали таъсир кўрсатадиган омиллардир.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг рентабеллик кўрсаткичлари йиллар бўйича оз ёки кўп миқдорда тебраниб туради, бу ҳам бўлса, маҳсулот таннархи ва баҳонинг ўзгариши оқибатидадир. Шунинг учун рентабеллик динамикаси тенденциясини таҳлил этганда, шунингдек у ёки бу маҳсулотни ишлаб чиқариш қулайлигини иқтисодий асослаш пайтида бир неча йиллардаги рентабелликнинг ўртачасидан фойдаланилади. ўртача кўп йиллик баҳолар кўрсаткичида сотилган маҳсулотнинг миқдори ва сифати тўғрисида ўртача маълумотлар акс этади, маҳсулот бирлигининг ўртача кўп йиллик таннархида эса иқлим шароити ва ишлаб чиқариш шароитларидаги ўзгаришлар таъсири акс этади. Бир ва бир турдаги маҳсулотларнинг қатор йиллардаги ўртача рентабеллик кўрсаткичларини таққослаш шу турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллигининг ўзгаришидаги барқарор тенденциялар ҳақида объектив маълумотлар олиш имкониятини беради; турли хилдаги маҳсулотлар ўртача рентабеллик кўрсаткичларини таққослаш

эса, қайси турдаги маҳсулот қулайроқ, даромадлироқ эканлиги тўғрисида фикр юритишга имкон беради.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг рентабеллигини ошириш имкониятларини аниқлаш, бир томондан, маҳсулот сотишдан келган пул тушумини кўпайтириш имкониятларини аниқлашга, бошқа томондан— маҳсулот таннархини пасайтириш имкониятларидан тўлароқ фойдаланишни талаб этади.

6. МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ, КУЧЛИ ФУҚОРАЛИК ЖАМИЯТНИ БАРПО ЭТИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА УСТИВОР ВАЗИФАЛАРИ

Президентимиз Ислом Каримов парламент қўшма мажлисини маърузасида парламент томонидан амалга оширилган, эришилган ютуқларни қайд этиш билан бирга икки палатали парламент фаолиятидаги айрим камчиликлар ва нуқсонлар фойдаланилмай қолган имкониятлар ҳақида ҳам ўз фикр-мулохазаларини баён этди. Албатта бу олий мажлиснинг келгуси 5 йиллик фаолиятининг асосий вазифалари ва устивор йўналишлари белгилаб олинаётган бир шароитда муҳим аҳамиятга эга. Камчилик ва нуқсонлар фойдаланилмай қолган имкониятлар ҳамда вазифа ва устивор йўналишлар куйдагилардан иборат қилиб кўрсатилди:

Биринчидан, қонунчилик палатиси фаолиятидаги энг катта камчиликлардан бири унинг қонун ижодкорлиги ишлари бўйича чуқур ва ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларни ўз ичига олган, узоқ истиқболга мўлжалланган ўз дастурларига эга эмасдигида кўринади. Бу кўпинча қонунларнинг аниқ бир тизимга ривоя қиладиган ҳолда уларнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган субъектлар томонидан киритилишга қараб қабул қилишишига олиб келаётган сабаблардан биридир.

Иккинчидан, депутатлар қонунчилигининг сусткашлиги туфайли иқтисодий, сиёсий гуманитар соҳаларда жадал ривожланаётган ислохотларни амалга ошириш учун ҳаётий зарур бўлган қонунлар киритилмаган, ташаббус билан чиқмаганлиги. Кейинги 5 йил ичида Қонунчилик палатасига тақдим этилган 297 та қонун лойиҳасидан 44 таси депутатлар ташаббуси билан киритилган ҳолос.

Айни пайтда 42 та қонун лойиҳаси бевосита Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тақдим этилган. 160 дан зиёд лойиҳаси эса мамлакат ҳукумати (Вазирлар Маҳкамаси) томонидан киритилган бўлиб, уларнинг

аксарияти Ўзбекистон Республикаси Призеденти Фармонлари ва қарорларининг ижросини мауносабати билан тақдим этилган.

Учинчидан, қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини яхшилаш талаб этилади. Уларнинг кўпчилик амалдаги қонун ҳужжатларига қушимчалар киритишига қаратилган бўлиб, кодификациялаш тавсифлари даражада тизимлашув мазмунига эга эмас. Қабул қилинадиган қонун амалдаги қонун ҳужжатларидан фарқ қиладиган тафовутларга йўл қуйилган бошқа ҳужжатларга ҳавола қилиш ҳолатлари кўп. Асосий қамчиликлар шундаки қабул қилинадиган қонунларда аксарият ўринларда ана шу қонун ҳужжатларидан ҳаётий тдбиқ этилишини таъминлайдиган процессуал механизмларнинг мавжудмаслигида кўзга ташланади. Бу эса ўз-ўзини ушбу ҳужжатларнинг қўлланилиши сезиларли даражада қийинлаштиради. Қонунларнинг ижро этилмаслигига ҳуқуқий ишимиз яъни ҳар қандай ҳуқуқий нормаларини инкор қилишишига ҳуқуқини бўлган амалиётни самарадорлигининг пасайишига олиб келади.

Тўртинчидан, қонунда кўзда тутилган депутатлик назорати ҳуқуқий қўллаш амалиётини такомиллаштиришга таъсир кўрсатиш шаклларида суст фойдаланилмоқда. Қонунчилик палатаси ўтган давр фаолиятида атиги бир нечта хусусан иновацион технологияларни ишлаб чиқишга жорий этиш, қимё саноати қорхоналари қурилишини жадаллаштириш ва янги тқрдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ масалалар бўйича парламент сўрови амалга оширган, бу етарли эмас, албатта.

Бешинчидан, парламент депутатларнинг ўз сайлов округидан тизимли фаолиятини сезиларли даражада яхшилаш талаб этилади. Бундай тадбир депутатга сайловчилар ўз фаолиятларида қандай муаммоларга дуч келаётгани уларни ҳал этиш заруратини аниқлаш учун имкон берган бшлар эди. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатининг сайлов округидаги фаолиятини ташкил этиш тартиби” палата томонидан тўртинчи йилидагина , 2008 йилнинг май ойига келиб ишлаб чиқилган ва қабул қилинган.

Олтинчидан, қуйи ва юқори палаталар амалий фаолиятининг дастлабки даврида ҳар икки томоннинг ўз амбицияларини намоён этиши билан боғлиқ бўлган жиддий муаммолар кузатилди. Бундай зиддиятлар қонунларни қабул қилиш муддати ва сифатига салбий таъсир кўрсатди. Умуман, Президентимиз мамлакатимиздаги олий қонун чиқарувчи орган Олий Мажлис томонидан амалга ошириладиган қонун ижодкорлиги жараённинг мустақил таркибий қисми бўлган ҳар қайси палата фаолияти таъминлаш жароаёни қийинчилик билан йўлга қуйилди деб таъкидлайди.

Сенат ва унинг аъзолари қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга эмас. Сенат бу вакиллик органи ва унинг кшхўпчилик қисми халқ депутатлари вилоят. Туман ва шаҳар кенгашларининг депутатлари сифатида мамлакатимиз олий қонун чиқарувчи органида ана маҳаллий кенгашларнинг ваколатли вакили ҳисобланади. Шу боисдан ҳам сенаторлар ўз фаолиятида, Қонунларни муҳокама этиш ва қарорлар қабул қилинди. Биринчи навбатда, умумдавлат манфаатларидан келиб чиқиб, бу қонунлар ўзлари вақл бўлган ва минтақалар манфаатлари нуқтаи назаридан кўриб чиқишлари тўлиқ қонуний асосга эга.

Шунинг учун ҳам Сенат томонидан айрим қайтарилган қонун лойиҳалари моҳияти, маъно- мазмуни бўйича қуйи ва юқори палаталар келишув комиссиялари доирасида вужудга келадиган бахс- мунозаралар демократик парламент ишини табиий соғлом шакли сифатида қарамоқ лозим.

Айниқса янгидан сайланган парламент сифат жиҳатдан янгича сиёсий ижтимоий шароитда фаолият юритиш аён бўлади. Бугунги кунда давлат ва жамият қурилиш соҳасида мамлакатимиз олдида улкан вазифалар турибди. Жаҳон молиявий- иқтисодий инқирози давом этаётган оғир бир шароитда иқтисодиётимизнинг янада барқарор ривожланишини таъминлаш уни диверсификация ва модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни қайта жихозлаш каби ишларни изчил давом эттириш зарур.

Минтақамизда ва бутун дунёда юзага келаётган мураккаб геосиёсий шаротда мамлакатимиз хавфсизлиги, барқарорлиги, тинч ва осойишта

ҳаётини сақлаш каби вазифаларни бажариш жондан азиз фарзандларимизнинг бугунги ва эртанги куни ана шу масалаларнинг муваффақиятли ҳал этилишига ҳам боғлиқдир. Қушни Афғонистон 30 йилдан буён давом этаётган қуролли можаранинг хавф-хатари, минтақамиздаги тинчлик ва барқарорликка нисбатан таҳдиди ҳам сақланиб қолмоқда. Шу боисдан Президентимиз Ислон Каримов ўз маърузасида бу ҳолатни, можорани фақат ҳарбий йўл билан ечиб бўлмаслиги ҳақидаги фикрни биринчи ўринга қўйди. Можорани сиёсий йўл билан ҳал этиш мақсадида “6-2” мулоқат гуруҳини “6-3” гуруҳига айлантириш ҳақидаги таклифи илгари сурилган эди. Мазкур гуруҳга Афғонистонга чегарадошолти мамлакат:

Эрон Ислон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Покистон Ислон Республикаси, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон + АҚШ ва Россия давлатлари кирган эди. (1997-2001 йиллар). “6-2” мулоқат гуруҳини “6-3” мулоқат гуруҳига айлантириши, яъни унга НАТО ваколатхонасининг иштирокини таъминлаш масаласини 2008 йилнинг 3 апрелида Бухарестда НАТО СТАН (Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши) 15-16 июнида Екатеринбург шаҳрида ШХТ давлат раҳбарлари кенгашларида бир неча бор. Президентимиз томонидан қўтарилган эди. Лекин аҳвол ижобий томонга ўзгариш ўрнига, аксинча Афғонистонда кескинлик кучайиб бораётганлигини юртбошимиз яна бир бор таъкидлаб ўтди. Дунёдаги қўпгина давлатлар афғон муаммосини фақат ҳарбий йўл билан ҳал этиш мумкин эмаслигини ҳар томонлама англаб амалий ҳулосаларга келмоқда.

Бугунги кунда дунёдаги қўпгина давлатлар томонидан Афғонистонга амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Ўзбекистон ҳам ҳозирги вақтда яқин қўшни давлат сифатида Афғонистонга катта ёрдам бермоқда. Жумладан 2010 йилда Ўзбекистон Афғонистонга етказиб бораётган электр энергияси миқдори ўтган йилларга нисбатан олти баробар оширилди. Шу кунларда Ўзбекистоннинг қурувчи ва матахасислари томонидан “Термиз-Хайратон-

Мозори Шариф” темир йўлини қуриш ишлари бошланиб, у йил охирига қадар якунига етказилди.

Президентимиз умуман парламентнинг бугунги кунда минтақамизда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш масаласида маъсулиятли катта эканлигига диққатни қаратди. Президент Ислом Каримов яна бир бор парламентимизда юксак ташаббускорликни қонун ижодкорлиги фаолияти самарадорлигини ошириш, ҳар бир депутат ва сиёсий партиядан эса аввало улар сайлов даврида ўз зиммасига олган мажбуриятларни нухта ва виждонли талаб даражасида адо этилишига асосий эътиборни қаратди. Қонунчилик палатасида ҳам Сенатда ҳам олдимизда турган ишларнинг амалий дастурини тайёрлаш жараёнида ана шу вазифаларнинг барчаси ҳисобга олинишини охиригача нухта ишлаб чиқилишига ишонч билдирди. Шунингдек юртбошимиз ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган қуйидаги масалалар доимий эътиборимиз марказида туришига асосий диққат қаратилди.

Агар биз иқтисодий ва ижтимоий соҳани ислоҳ этиш жараёнларини ижтимоий- сиёсий ва суд-ҳуқуқ тизимини мунтазам янгилаб бориш жараёнлари билан ўзаро аниқ ва чуқур узвий боғлиқ ҳолда амалга оширишни таъминламас эканмиз, мамлакатимизни модернизация қилиш борасида белгилаб олган юксак марраларимизга эриша олмаймиз. Бунда : 1) ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимиятига бўлиниш принципига риоя қилган ҳолда парламент ҳокимиятнинг ролини кўчайтириш керак: 2) кўппартиявийлик тизимини ривожлантириш, сиёсий партиялар фаоллигини кескин ошириш, улар ўртасидаги рақобат асосидаги курашни кучайтириш лозим. Ҳар бир партия парламентда ғоя ва дастурлар бирлашувини йўлга қўйиш даркор. Қонунчилик палатасидаги турли сиёсий фраксиялар ўртасидagi рақобат қанчалик кучли бўлса, партиянинг ғоялари дастурий вазифалари ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилади. Бу эжараён қабул қилинадиган вонунларнинг сифатини оширади.

Парламентимиз ва маҳаллий вакиллик органлари- Кенгашлар олдида турган иккинчи ғоят муҳим вазифа қабул қилинган қонунларни ижро этувчи

хокимят, яъни ҳукумат томонидан марказда хокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётгани устида қатъий парламент назоратини депутатлик назоратини ўрнатишдан иборат. Бунда 1) Қонунчилик палатаси ва Сенатда қонунлар ижроси давлат дастурлари бажарилиши юзасидан ахборот ва ҳисоботлари камдан-кам муҳокама қилинади: 2) Парламент бундай ҳисоботларни эшитиш яъни танишув хусусиятига эга: 3) кўрилаётган масала бўйича комиссия позицияси аниқ белгилаб олинмаган, пухта ишлаб чиқилган дастур ва ҳужжатлар қабул қилинмаган: 4) қонун чиқарувчи хокимят назорат ваколатларини амалга ошириш қонунда кўзда тутилган ҳуқуқий норма ва механизмлардан марказ ва жойларда кенг фойдаланиш чораларини кўриш керак: 5) давлат раҳбарлари ўзига ишониб топширилган қонун ҳужжатлари ижросини таъмин этишлари даркор: 6) ижро хоқимияти қонунларнинг қандай бажарилиши бўйича ҳисоботларини тинглаб бориш амалиётини кенгайтириш зарур: 7) парламент назоратини амалга оширишда давлат тузилмаларнинг иқтисодий соҳага асоссиз аралашувини камайтириш керак. Парламент назоратининг парламент сўрови, парламент ҳисоботини эшитиш каби шаклларида кенг фойдаланиш лозим: 8) бу вазифаларнинг бажарилиши бўйича жавобгарлик барча бўғиндаги давлат хоқимияти идоралари раҳбарлари ва прокуратура зиммасига юклатилиши лозим: 9) парламент назоратини кучайтиришда оммавий ахборот воситалари кенг жамоатчилик иштирокини таъминламоқ зарур.

7. ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ, ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА УНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ ЙЎЛЛАРИ ВА ЧОРАЛАРИ» КИТОБИ ВА УНДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ВАЗИФАЛАР.

Бугунги куннинг энг долзарб муаммоси – бу 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқирози, унинг таъсири ва салбий оқибатлари, юзага келаётган вазиятдан чиқиш йўллари излашдан иборат.

Аввало, жаҳон молиявий инқирози ҳақида.

Бу инқироз Америка Қўшма Штатларида ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатидан бошланди. Сўнгра бу жараённинг миқёси кенгайиб, йирик банклар ва молиявий тузилмаларнинг ликвидлик, яъни тўлов қобилияти заифлашиб, молиявий инқирозга айланиб кетди.

Жаҳон молиявий инқирозининг ҳар бир мамлакатга таъсири, ундан кўриладиган зарарнинг даражаси ва кўлами биринчи навбатда шу давлатнинг молиявий-иқтисодий ва банк тизимларининг нечоғлиқ барқарор ва ишончли эканига, уларнинг ҳимоя механизмлари қанчалик кучли эканига боғлиқлигини исботлашга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Шу ўринда Ўзбекистонда молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизими, шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам захиралар яратилганини ва зарур ресурслар базаси мавжуд эканини таъкидлаш жоиз.

Шу борада 2006 йилда ташкил этилган «Микрокредитбанк» нинг фаолияти хусусида алоҳида тўхталиш жоиз. Мамлакатимиз ҳудудларида 78 та филиали ва 270 дан зиёд минибанки фаолият кўрсатаётган мазкур банк кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тармоғини кредитлар билан таъминлашга хизмат қилмоқда.

2007–2008 йиллар давомида ўзлаштирилган чет эл инвестициялари ҳажми 2,5 баробардан кўпроқ ошганининг ўзи ҳам буни тасдиқлаб турибди.

Умуман, 2009 йилда мамлакат иқтисодиётига киритиладиган хорижий ва ички инвестицияларни ҳисобга олганда, капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажми камида 25 фоизини ташкил этади.

Табиийки, юқорида келтирилган мисол ва рақамлардан тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий инқирози мамлакатимизга таъсир кўрсатмайди, бизни четлаб ўтади, деган хулоса чиқармаслик керак. Масалани бундай тушуниш ўта соддалик, айтиш мумкинки, кечириб бўлмас хато бўлур эди.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда глобал инқирознинг оқибатларини, бугунги ва эртанги кутиладиган таъсирини ҳисобга олган ҳолда, катъий, ҳар томонлама ўйланган кенг кўламли лойиҳалар бугун амалга оширилмоқда.

Албатта, мамлакатимизда бундай чора-тадбирлар татбиқ қилиниши билан бир қаторда бу жиддий синовни енгиш, ҳеч шубҳасиз, кўп жиҳатдан ҳаммамиздан аввало масъулиятимизни теран ҳис қилишни, барча имконият ва ресурсларимизни ишга солишни талаб қилади.

2008 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 9 фоизни, саноатда 12,7 фоизни, жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда 17,7 фоизни ташкил этди, хизмат кўрсатиш ҳажми 21,3 фоизга ўсди.

